



XASR



TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI — O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI NASHRI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

2012 йил 28 июнь, пайшанба, 26-(450)-сон



АҲОЛИ БАНДЛИК ДАРАЖАСИ ОШМОҚДА

3 →



ПАРТИЯГА АЪЗОЛИК — БУ ЮКСАК МАСЪУЛИЯТ

5 →



ЕВРОПА «ОЛТИН»И КИМГА НАСИБ ЭТАДИ?

8 →

Газета 2004 йил 1 январдан чиқа бошлаган, e-mail: axborotXXI@yaho.com, web sayt: www.2fax.uz

Партия лойиҳаси



ПОЙТАХТЛИК «ИШБИЛАРМОН ТАЛАБА»ЛАРНОМИ ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ

«Мустақкам оила йили» Давлат дастури ижросини таъминлаш мақсадида эълон қилинган партиявий лойиҳалар орасида «Ишбилармон талаба» лойиҳаси янги аълод вакиллари кўлаб-қувватлашга қаратилгани билан ниҳоятда муҳим эканлиги тилга олинмоқда.

«Ишбилармон талаба» стипендиаси кўрик-танловининг пойтахтимиз туманларидан бошқача натижаларидан ҳам шундай хулоса чиқариш мумкин. Таҳлилчиларнинг фикрича, тадбирларда 300 га яқин талаба иштирок этиб, улардан 33 нафари шахар бошқирмига йўланма олган эди.

3 →

«Аёллар қаноти»

АЁЛЛАР УЧУН 4,4 МИЛЛИАРД

— Маълумки, «Мустақкам оила йили» Давлат дастурида аёлларнинг жамиятдаги ўрнини мустақкамлаш, уларга ғамхўрлик ва эътиборни кучайтириш зарурлиги алоҳида таъкидланиб, бу бордаги долзарб вазифалар белгилаб берилган.

Шунинг ўзи айна соҳадаги ишларимизни сифат жиҳатидан янги бошқирмига кўтаришни тақозо этмоқда, — дейди O'zLiDeP Бухоро вилоят кенгаши раиси ўринбосари Дилбар Аҳмедова. — Бугун вилоят иқтисодиётида ҳал қилувчи омилга айланган фермерлик, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда ҳам фаол аёлларимиз ташаббуси яққол кўзга ташланади.

3 →

27 июнь — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куну

МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИГА

Қадрли дўстлар!

Сиз, ҳурматли журналистларни, нашриёт ва матбаа, радио ва телевидение вакиллари, муҳтарам фахрийларимизни 27 июнь — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куну билан чин қалбимдан табриклаб, барчангизга эзгу тилақларимни изҳор этаман.

Бугун биз яшаётган, глобаллашув ва Интернет асри деб ном олган даврда таракқиётни, ҳаётимизни замонавий ахборот ва ахборот-коммуникация технологияларидан, телевидение ва оммавий ахборот воситаларидан, сиз азиз журналистлар фаолиятдан айри ҳолда тасаввур этиб бўлмаслигини ҳаммамиз яхши англаймиз ва сизларнинг ўта машаққатли, шу билан бирга, шарофли меҳнатингизни юксак қадрлаймиз.

Ҳақиқатан ҳам, шиддат билан ўзгариб бораётган ҳозирги замонда оммавий ахборот воситаларининг фаолият кўлами, инсон ва жамият ҳаётига таъсири мисли кўрилмаган даражада кучайиб бормоқда. Бугунги кунда ахборот нафақат маълумот етказиш, одамларни янгилик ва ўзгаришлар билан таништириш воситаси бўлиб хизмат қилмоқда, айни вақтда ахборот ва коммуникация тармоғи амалда ишлаб чиқаришнинг етакчи йўналишларидан бирига, моддий, ижтимоий ва маънавий соҳаларнинг ривожини ва ўсишига ҳал қилувчи асос ва туртки берадиган, тез ривожланаётган энг замонавий соҳага айланиб бораётганига барчамиз гувоҳ бўлмоқдамиз.

Бу ҳақда фикр юритганда, юртимизда янги жамият, янги ҳаёт куриши, мамлакатимизни янгилаш ва модернизация қилиш, ишлаб чиқариш суръатларини кучайтириш, иқтисодиётимиз самарадорлигини ошириш йўлида тўсиқ бўлиб турган муаммоларни ечиш, ички ва ташқи сиёсатни

олиб бориш бўйича тўғри йўлни танлашда матбуот соҳасининг кўшайтган ҳиссасини тан олиб, унинг роли, аҳамияти ва моҳияти ҳақида кўп гапириш мумкин.

Лекин шулар қаторида яна бир масала борки, бу ҳақда алоҳида тўхталиб ўтишни истардим. У ҳам бўлса, эркин ва обод ҳаёт барпо этиш йўлида асосий куч бўлмиш халқимиз, энг аввало, ёшларимизнинг маънавий оламини шакллантиришда, одамларимизнинг ҳаётга, меҳнатга муносабатини ўзгартиришда, уларни мустақил фикрлаш, онгли яшаш руҳида тарбиялашда, бизнинг ривожланишимизга ҳалақит бераётган эски қолип ва қарашлардан халос бўлишда, бир сўз билан айтганда, доимо сезгир ва огоҳ бўлиб яшаш, бугунги ва эртанги кун талаблари билан ҳамқадам бориш, ўз она юртига бўлган меҳри ва садоқатини мустақкамлашда — ўзини ҳақиқий инсон деган ҳар қандай кишига мансуб айни шундай олижаноб фазилатларни камол топтиришда оммавий ахборот воситалари соҳасида фаолият кўрсатаётган меҳнатчиларнинг улкан хизмати борлигини катта миннатдорлик билан таъкидлаб айтишни ўзимнинг бурчим, деб биламан.

Биз мустақилликка эришган биринчи кунлардан бошлаб, мамлакатимизда матбуот ва оммавий ахборот воситаларини ҳар томонлама ривожлантириш бўйича амалга ошираётган кенг кўламли ишларимиз бугунги кунда ўзининг ҳосили ва самарасини бераётгани барчамизга мамнуният бағишлайди.

Юртимизда фаолият кўрсатаётган оммавий ахборот воситаларининг миқдор ва сифат даражаси тубдан ўзгариб, улар-

нинг умумий сони 1 минг 250 дан ошиб кетгани, рақамли ва мобил телевидение, интернет-телевидение, интернет-радио

каби замонавий ахборот тармоқларининг улуши ва таъсири тобора ортиб бораётгани айниқса эътиборлидир.

Хусусан, энг тезкор ва таъсирчан ахборот воситаси бўлмиш Интернет журналистикасига, уни ҳар жиҳатдан чуқур эгаллашга бўлган интилишнинг тобора кучайиб бораётгани миллий матбуотимизнинг халқаро медиа майдонда ўз муносиб ўрнини топиши учун муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Ўтган давр мобайнида Ўзбекистонда нодавлат оммавий ахборот воситаларининг кенг тармоғи шаклланиб, самарали фаолият олиб бораётгани жамиятимизда фикр ва қарашлар ранг-баранглигини, ўзаро ижодий мусобақа муҳитини таъминлашга катта ҳисса қўшмоқда. Буни мавжуд теле ва радиоканалларнинг 66 фоизини, босма нашрларнинг эса 50 фоиздан зиёдини айнан нодавлат оммавий ахборот воситалари ташкил этиши ҳам тасдиқлайди.

2 →



БУГУНГИ КУНДА БУТУН ДУНЁ ЎЗБЕКISTON ЭРИШГАН УЛКАН ЮТУҚ ВА НАТИЖАЛАРНИ ТАН ОЛАЁТГАН, ЭЪТИРОФ ЭТАЁТГАН БИР ПАЙТДА БИЗ ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ СОҲАСИДА ҲАМ БОШҚАЛАРДАН КАМ БЎЛМАСДАН, АНА ШУНДАЙ ЮКСАК МАРРАЛАРНИ ЭГАЛЛАШГА АЛБАТТА ҚОДИРМИЗ, ДЕСАМ, ЎЙЛАЙМАНКИ, СИЗ, АЗИЗЛАРНИНГ ФИКРИНГИЗНИ ИФОДА ЭТГАН БЎЛАМАН. ШУ ЙЎЛДА ДОИМО ИНТИЛИБ, ИЗЛАНИБ ЯШАЙДИГАН ЖУРНАЛИСТЛАРНИ МЕН ҲАМИША ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШГА, КЕРАК ПАЙТДА ЁРДАМ ВА КЎМАК БЕРИШГА ТАЙЁР ЭКАНИМНИ, УЛАРНИ ЎЗИМНИНГ ЭНГ ЯҚИН ҲАМФИКР ВА МАСЛАҚДОШЛАРИМ, ДЕБ БИЛИШИМНИ ИЗҲОР ЭТМОҚЧИМАН.

Эътибор ва ғамхўрлик янги изланишларга ундайди

МАМЛАКАТИМИЗДА 27 ИЮНЬ — МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИ КУНИ КЕНГ НИШОНЛАНДИ

Президентимиз Ислам Каримов томонидан миллий оммавий ахборот воситалари ривожига қаратилаётган улкан эътибор соҳа ходимларидан янада фаоллик ва изланувчанликни, огоҳлик ва дахлдорлик ҳисси билан яшаш ва меҳнат қилишни талаб этмоқда.

Мамлакатимизда 27 июнь — Матбуот ва оммавий ахборот во-

ситалари ходимлари куну кенг нишонланаётган айни пайтда бу жиҳатлар янада ёрқин намоён бўлмоқда.

Ўзбек Миллий академик драма театрида мазкур санага бағишлаб ўтказилган тантанали тадбирга соҳа ривожига муносиб ҳисса қўшган фахрийлар, устоз журналистлар, барча турдаги оммавий ах-

борот воситаларининг ижодий ва техник ходимлари, ношир ва матбаачилар, олий таълим муассасаларининг журналистика факультети профессор-ўқитувчилари, ёш қаламкашлар, турли вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари вакиллари тақлиф этилди.

2 →

Парламентда

Қонунга итоат этинг. Акс ҳолда жарима тўлайсиз

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИНING БЮДЖЕТ ВА ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАР ҚЎМИТАСИДА «РИЭЛТОРЛИК ФАОЛИЯТИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚОНУННИНГ ДАВЛАТ МУЛКИ ҚЎМИТАСИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ ИЖРОСИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Мажлисида таъкидланганидек, бугун республикаимизда жами 746 нафар жисмоний шахс риэлторлик малака сертификатига эга бўлиб, 110 та юридик ва 10 нафар жисмоний шахсга риэлторлик фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензия берилган. Назорат таҳлил тадбирлари давомида жорий йилнинг биринчи чорагида улар томонидан 1109,2 миллион сўмлик хизмат кўрсатилгани маълум бўлди.

Бундай ижобий натижалар риэлторлик фаолияти соҳасида ваколатли орган — Давлат мулки қўмитаси томонидан барча вилоятларда юқоридаги қонуннинг мазмун-моҳиятини кенг жамоатчиликка ташуунтириш ҳамда риэлторлик таъкилотларини ташкил этиш масалаларига бағишланган кўлаб семинарлар ўтказилгани билан боғлиқ, албатта.



3 →

БУГУНИ СОНДА:

ИШОНЧ ЗИММАМИЗДАГИ МАСЪУЛИЯТНИ ЯНАДА ОШИРАДИ

2

Қарс икки қўлдан чиқади, деганларидек, табрикда билдирилган мулоҳазалардан давлат ва ҳокимият вакиллари билан бирга оммавий ахборот воситаларининг муассислари ҳам жиддий хулосалар чиқарсалар, мақсадга мувофиқ бўларди.

6 →

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2012 йил 19 июндан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботлари юритиш, шунингдек, бошқирми ва бошқа маълумотларни тўловлар учун қорғовий валюталарнинг сўма нисбатан қўйидаги қийматини белгилайди:

1 Австралия доллари	↑ 1902,19
1 Англин фунт стерлинги	↑ 2955,16
1 Ҳитой юани	↑ 296,14
1 Швейцария франки	↑ 1989,12
1 АКШ доллари	↑ 1881,31
1 ЕВРО	↑ 2364,69
1 Япония йенаси	↑ 235,94
1 Украина гривнаси	↑ 235,38

*) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мажбуриятларини ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

6 →

27 ИЮНЬ —

Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куну

МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИГА

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ◀◀

Бизнинг энг юксак мақсадимиз бўлмиш тараққий топган замонавий демократик давлатлар қаторидан жой олиш йўлида оммавий ахборот воситалари фаолиятининг самарадорлигини янги босқичга кўтариш, матбуотнинг том маънода мустақиллигига эришиш, бунинг учун авваломбор уларнинг молиявий мустақиллигини таъминлаш ва барқарор ривожланиши учун зарур манбаларга эга бўлиши билан боғлиқ масалаларни ечиш ҳал қилувчи аҳамият касб этмоқда.

Бу борада Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида баён қилинган фикр ва гоёлар асосида изчил амалга оширилаётган ишлардан, ўйлашгани, сизлар яхши хабардорсиз.

Бу ҳақда сўз юритганда, мазкур концепция негизда "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очқиллиги тўғрисида", "Телерадиоэшиттиришлар тўғрисида", "Оммавий ахборот воситалари фаолиятининг иқтисодий асослари тўғрисида", "Оммавий ахборот воситаларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш кафолатлари тўғрисида" ва бошқа бир қатор қонун лойиҳаларини сиз, матбуот вакилларининг фаол иштирокида тайёрлаш ва қабул қилиш бўйича олиб борилаётган ишларни алоҳида таъкидлаш лозим.

Шулар қаторида матбуот ва оммавий ахборот воситалари, нашриёт, матбаа корхоналари ва матбуот тарқатувчи ташкилотлар учун қўшимча солиқ имтиёзлари ва афзалликлар бериш, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бўйича қабул қилинган Президент қарори оммавий ахборот воситаларининг фаолиятини янада ривожлантиришга хизмат қилиши табиийдир.

Айни вақтда барчамизга яхши аёнки, бугунги кунда тез ўзгариб, мураккаблашиб бораётган замоннинг ўзи, тобора кўчрайиб бораётган турли таҳдид ва хатарлар оммавий ахборот воситалари олдига ўткир ва масъулиятли талабларни қўймоқда.

Албатта, ҳар қандай янгилашни, ўзгариш, шу жумладан, ахборот соҳасида ҳам ўз-ўзидан пайдо бўлмайди. Ҳаётимизни, иқтисодий ҳаётимизни бошқариш тизими, мамлакатимизнинг тараққиёти, унинг ўсиш суръатлари ва самарасини ошириш, барқарорлигини таъминлаш кундалик оғир ва машаққатли меҳнат эвазига қўлга киритилишини ҳаммамиз яхши тушунамиз.

Шу нуқтаи назардан оммавий ахборот воситалари ва бу соҳада хизмат қилаётган ходимлар олдига турган энг муҳим вазифаларни баҳолаб эканмиз:

Биринчидан, доимо изланиш, қўлга киритилган ютуқларга берилмасдан, уларга маҳлиё бўлмасдан, мақтанмасдан, кимидир улуглаш йўлига ўтмасдан, авваломбор, маррани баланд кўйиб, ҳаёт воқелигини ҳаққоний ва холис акс эттириш талаб қилинади;

Иккинчидан, ҳаммамизга аёнки, ўз олдига мақсад қилиб қўйган марраларга эришиш учун журналист ўзини аямасдан, профессионал билим ва савиясини, маҳорат ва тажрибасини ошириш учун ўз устида тинимсиз ишлаши, меҳнат қилиши, турли синовлардан муносиб ўтиши зарур;

Учинчидан, бундай юксак даражага кўтарилиш учун бу касбни танлаган ҳар қайси инсонга мардлик, фидойилик ва жасорат керак, десам, айнаи ҳақиқатни айтган бўламан;

Тўртинчидан, ўз касбига садоқатли бўлиш, уни севиш, авваломбор, эскича қараш ва аломатлардан воз кечиш учун журналист бошқаларга нисбатан олдинги сафда бўлиши, ўз ҳаётини принципларидан қайтмасдан, виждон амри билан яшashi лозим.

Бу ҳақда гапирганда, бир тақлифни сизлар билан ўртоқлашимиз жоиз, деб биланман. Матбуот сўзининг таъсирчанлигини ошириш, энг муҳим чиқишларга жамоатчилик эътиборини қаратиш учун биринчи навбатда самарали фаолият кўрсатадиган аниқ тизим ташкил қилиш керак, деб ўйлайман. Бу борада Ўзбекистон журналистлари ижодий уюшмаси ҳар чорак якуни бўйича оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган энг долзарб, энг ўткир материалларни алоҳида қайд этиб, баҳолаб, бу ҳақда матбуотда хабар бериб борса, менинг назаримда, айнаи мудоаа бўлар эди.

Бунда айниқса таҳлилий ва танқидий чиқишларга алоҳида аҳамият бериш ўринлидир. Бундай муносабат, ўйлашгани, журналистларнинг оғир меҳнатини эътироф этиш ва қадрлашда катта роль ўйнайди. Шу билан бирга, айнаи шу материалларда ўртага қўйилган муаммоларни ечиш учун жамоатчилик эътиборини жалб қилишга ҳам муҳим ҳисса қўшади.

Айтиш кераки, одатда газета-журналларимизда, телерадиоаналларимизда

кўпчиликни ўйлантираётган долзарб мавзулар кўтарилди, лекин уларга нисбатан давлат ва ҳокимият вазифаларида ўтирганлар, жамоатчилик вакиллари томонидан етарлича аҳамият берилмаслиги туфайли улар кўпинча эътибордан четда қолиб кетади. Бундай ҳолат, масалага панжа орасидан қараш, аввало, шу мақола ва кўрсатувни юрагидан ўтказиб, катта меҳнат билан тайёрлаган журналист ва муаллифларнинг ижодий изланишларига салбий таъсир кўрсатиб, қўлини ишдан совутиб қўяди. Энг ёмони, бу чиқишларда кўтарилган масала ва муаммолар бундай бепарволик натижасида эски ҳолида ўзгармасдан қолиши иқтисодий ҳаётимизга катта зарар етказиши мумкин.

Таъкидлаш лозимки, оммавий ахборот воситаларининг самарадорлигини кучайтириш кўзда тутилган бундай тажрибани жорий этишни, шу асосда матбуот орқали танқидга учраган ташкилот ва корхоналар, мансабдор шахсларнинг ўз ишига холисона кўз билан қараб, мавжуд аҳволни тузатишга ҳаракат қилишини бугун ҳаётнинг ўзи кун тартибига қатъий қилиб қўймоқда.

Бу ўз навбатида матбуот ва оммавий ахборот воситаларининг, журналист аҳлининг ижтимоий ҳаётимизда, жамоатчилик ўртасида хурмат-эътибори, айнаи пайтда масъулият ҳар ортисига хизмат қилиши шубҳасиздир.

Бугунги кунда бутун дунё Ўзбекистон эришган улкан ютуқ ва натижаларни тан олаётган, эътироф этаётган бир пайтда биз оммавий ахборот воситалари соҳасида ҳам бошқалардан кам бўлмасдан, ана шундай юксак марраларни эгаллашга албатта қодирмиз, десам, ўйлайманки, сиз, азиятларнинг фикрини эшитиб, ифода этган бўламан.

Шу йўлда доимо интилиб, изланиб яшайдиган журналистларни мен ҳамisha қўллаб-қувватлашга, керак пайтда ёрдам ва кўмак беришга тайёр эканимиз, уларни ўзимнинг энг яқин ҳамфикр ва маслақдошларим, деб билишимни изҳор этмоқчиман.

Бугунги хурсандчилик кунда сизларни касб байрамингиз билан яна бир бор самимий қўллаб, барчангизга сизат-саломатлик, бахт ва омад, ижодий қамолот тилайман.

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Эътибор ва Ғамхўрлик янги изланишларга ундайди

МАМЛАКАТИМИЗДА 27 ИЮНЬ — МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИ КУНИ КЕНГ НИШОНЛАНДИ

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ◀◀

Назокат УСМОНОВА,
ЎЗА муҳбири

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига табригини Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов ўқиб эшиттирди.

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси Ш.Ғуломов бугунги кунда мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг мазмун-моҳиятини халқимизга етказиш, жамоатчилик фикрини шакллантириш, ҳамюртларимизнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини юксалтиришда оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва аҳамияти тобора кўчрайиб бораётганини таъкидлади.

Демократик талабларга тўла мос келадиган мустаҳкам қонунчилик базаси — Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, ўнга яқин қонун ҳужжатлари мамлакатимиз оммавий ахборот воситаларини эркин ривожлантириши, уларнинг самарали фаолият кўрсатишини таъминламоқда. Истиклол йилларида мамлакатимизда оммавий ахборот воситалари сони қарийб тўрт баробар ошди. 1991 йилда оммавий ахборот воситаларининг умумий сони 395 та бўлган бўлса, ҳозир бу кўрсаткич 1250 тани ташкил этади. Мустақилликка қадар республикадаги мавжуд барча медиа тузилмалар — газета, журнал ва телерадиоаналларнинг муассислари давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари эди. Эндилкида юртимизда рўйхатга олинган оммавий ахборот воситаларининг 60 фоиздан кўпроги нодавлат тузилмалардир.

Соҳа равнақи йўлида улкан имконият ва қўлайликларнинг яратилиши, ушбу машаққатли ва шарафли касб эгалари меҳнатининг доимий эъзозланиб, рағбатлантирилиши ижодкорлардан фаоллик ва қатъият, ўз фаолиятига ҳаққоний, чуқур таҳлилий асосда ёндашишни, жамият, халқ, Ватан манфаатларининг том маънодаги ҳимоячиси бўлиши талаб этмоқда. Айни пайтда мустақиллигимизни, юртимиздаги барқарор ва осуда ҳаётни, турли миллат ва эллатлар ўртасидаги ахиллик, ўзаро ҳамжихатлик муҳитини кўз қорчигидек асраб-авайлаш, жамият пойдевори бўлмиш оилаларнинг ўрни ва аҳамиятини кучайтириш, ёшларни миллий ҳаёт тарзимиз, маънавиятимизга ёт зарарли гоёлар, ноҳолис ахборотлар хуружи, «оммавий маданият»нинг салбий таъсирларидан ҳимоялаш вазифалари журналистлар олдига доимо маънавий уйғоқ бўлиш, жамият олдигаги масъулиятни янада теран аниқлашдек улугвор талабларни қўймоқда.

Мамлакатимизда ҳар йили соҳа ходимларининг касб байрами арафасида Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси томонидан ўтказиладиган «Йилнинг энг фаол журналисти» республика кўрик-танлови соҳада фидокорона меҳнат қилаётган, фаол ва изланувчан, жамиятимиз ҳаётининг турли жабҳаларида кечайтган ислохотлар моҳиятини халқимизга етказишда алоҳида жонбозлик кўрсатаётган фидойи ҳамкасбларимизни аниқлаш, уларни моддий ва маънавий рағбатлантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Тадбирда мазкур кўрик-танловнинг жорий йилги голиб ва совриндорлари эълон қилиниб, уларга диплом ва қимматбаҳо совғалар топширилди. Сўзга чиққанлар журна-

листлар меҳнатини эъзозлаш, уларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, янги ижодий марралар сари руҳлантириш йўлида кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрлик учун Президентимизга миннатдорлик изҳор этдилар.

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан ўз ижоди билан юртимизда спортни омаллаштириш, жамиятда соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, ёшларни спортга кенг жалб этишга катта ҳисса қўшаётган журналистлар тақдирланди.

Санаъат усталари ва ижрочи ёшлар иштирокидаги концерт дастури намойиш этилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бosh вазирининг ўринбосарлари Э.Боситхонова, А.Арипов иштирок этди.

Муҳаррир минбари

Ишонч зиммамиздаги масъулиятни янада оширади

ЮРТБОШИМИЗ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИГА ЙўЛЛАГАН ТАБРИКЛАРИ СОҲА ВАКИЛЛАРИНИНГ ДАВЛАТ ВА ЖАМИЯТ ОЛДИДАГИ ИЖТимоий МАСъулияти ҳамда Фуқаролик ЖАМИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЖАРАЁНИДАГИ УЛКАН ЖАВОБГАРЛИгини ЯНА БИР ҚАРРА АНГЛАТДИ, ДЕСАК МУБОЛАҒА БўЛМАЙДИ

Унда матбуот ва оммавий ахборот воситаларининг юртимизда янги жамият ва янги ҳаёт қуриш жараёнидаги фаолиятига юқори баҳо берилган бўлса-да, миллий матбуотнинг халқимиз, айниқса, янги авлод ва

керак» деган сўзлари журналист, матбуот вакиллари кучига куч, ғайратига ўн ғайрат қўшади, албатта.

Ҳақиқатан ҳам XXI асрда матбуот ходимларидан ислохотлар тарғиботчисига, рўй бераётган воқеа-ҳодисаларнинг хо-

олинмаганини таъкидлаш лозим.

Чунки Концепцияда белгилаб берилган вазифалар, қонунчилик ташаббуслари қаторида «Оммавий ахборот воситалари фаолиятининг иқтисодий асослари тўғрисида»ги қонунга бирламчи эътибор қаратилган эди. Ана шундай муҳим қонунларнинг қабул қилиниши соҳани, соҳа вакиллари ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш имкониятларини кенгайтиради, албатта. Уларни қабул қилиш жараёнида эса матбуотдан қонун чиқарувчи ҳокимият фаолиятига ҳам изчил муносабат билдириш, қўйилган қонунлар қабул қилинишида фаоллик кўрсатиш талаб этилади, албатта.

Шу ўринда табрикда давлат идораларининг матбуотдаги чиқишларга нисбатан муносабати ҳам тилга олиндики, бу ҳамкасбларимиз дилидаги гаплар бўлганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Қарс икки қўлдан чиқадиган, деганларидек, табрикда билдирилган мулоҳазалардан давлат ва ҳокимият вакиллари билан бирга оммавий ахборот воситаларининг муассислари ҳам жиддий ишонч билан чикарсалар, мақсадга мувофиқ бўларди.

Чунки журналист асосан бор воқеликни акс эттирибди. У доимо ташаббус ва изланишларни, янгиликларни қидиради ва уларни кўрсатишга интилади. Маълум бир тизим ва соҳалар фаолиятини ёритишга сафарбар этилган оммавий ахборот воситалари фаолияти эса кўпроқ муассис фаолияти билан ҳамбарчас боғлиқдир. Ваҳоланки, бугунги ўқувчи, томошабин ва тингловчи матбуотдан қайноқ жараёнларни, янгилик ва ўзгаришлар билан боғлиқ маълумотларни кутмоқда.

Бир сўз билан айтганда, Президентимиз табриги Ўзбекистонда биз — матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига жуда катта ишонч билдирилаётганини аниқлашди. Бу эса, шубҳасиз, соҳа ходимларини янги марраларга, зиммадаги масъулиятни ўн чандон оширишга чорлайди.

Унда матбуот ва оммавий ахборот воситаларининг юртимизда янги жамият ва янги ҳаёт қуриш жараёнидаги фаолиятига юқори баҳо берилган бўлса-да, миллий матбуотнинг халқимиз, айниқса, янги авлод ва

Хўш, бунинг сабаблари, бундай барқарорлиқнинг туб илдиэлари қаерда? Истиклолга эришгунгача очлик оstonасида қолган, келажакка бўлган ишончнинг йўқотган халқ қандай қилиб ана шундай беқийс натижаларга эришмоқда?

Президентимиз раҳнамолигида барча соҳа ва тизимларда бир хил ривожланиш ва ўзгаришлар рўй бераётгани, одамлар онгидидаги ўзгаришлар, аҳолининг ислохот ислохот учун эмас, балки одамлар учун эканини ҳис этиши, шубҳасиз, ана шундай натижалар ҳосиласидир.

Шундай экан, эркин ва обод Ватан матбуотининг биринчи галдаги вазифаси аҳоли ва айниқса, ёшларга ана шундай жараёнларни қийсан таҳлил этиш имкониятини бериши, дунёда ва яқин атрофимизда рўй бераётган воқеа-ҳодисаларнинг асл моҳиятини очиб беришга қаратилиши лозим.

Шу ўринда табрикда «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси»да баён этилган фикр ва гоёлар бежиз тилга

Қўтлов



ТАДБИРКОРЛАР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР ҲАРАКАТИ — ЎЗБЕКИСТОН ЛИБЕРАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ

Сийёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси юртимиздаги барча журналистлар ҳамда соҳа вакиллари Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куну муносабати билан самимий муборакбод этади.
Мустақил Ўзбекистоннинг жаҳон ахборот макони ва замонавий коммуникация тизимларига интеграциялашуви жараёнида Сиз, азиятларга янги муваффақиятлар тилайми.
Қаламингиз ҳамisha ўткир ва баракали бўлсин!



Парламентга

Қонунга итоат этинг. Акс ҳолда жарима тўлайсиз

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада

Ўз мухбиримиз

Лекин шунга қарамай, мавжуд риэлторлик ташкилотлари асосан Тошкент шаҳри (75 та) ва Самарқанд вилоятида (11 та) фаолият кўрсатаётгани бошқа ҳудудларда ана шу масалага етарлича эътибор қаратилмаётганидан ҳам далolat бермоқда. Бу эса Жиззах (1 та), Сурхондарё (1 та), Навоий (1 та) ҳамда Тошкент (2 та) вилоятларида соҳани янада ривожлантириш, қонун ижросини қатъий таъминлаш лозимлигини аниқлатади.

Кўмида йиғилишида Давлат мулки кўмитаси томонидан риэлторлик малака сертификатини олиш учун мурожаат қилган жисмоний шахсларни ўқитиш бўйича махсус дастур ишлаб чиқилгани ҳозирги кунда Республика бизнес-мактаби, Тошкент давлат университети ҳузуридаги Янги бозорлар мутахассисларини тайёрлаш маркази ва «Интеллектуал инвест» нодавлат таълим муассасасида ана шундай ўқувлар уюштирилаётганига ҳам эътибор қаратилди.

Риэлторлик малака сертификатини жисмоний шахсларга бериш тартиби бўйича амалга оширилаётган ишлар таҳлили 2011 йил ва 2012 йилнинг 1 июнь ҳолатига 2120 нафар жисмоний шахс малака сертификатини олиш мақсадида мурожаат қилганини кўрсатмоқда, — дейди Давлат мулки кўмитаси раисининг биринчи ўринбосари Сайфиддин Фафуров. — Уларнинг 746 на-



фари имтиҳондан муваффақиятли ўтиб, малака сертификатини олган бўлса, 907 нафари имтиҳондан ўта олмаган, қолган 467 нафари эса умуман синов тадбирига келмаган.

— Ана шу 907 нафар жисмоний шахсининг нима учун имтиҳондан ўта олмагани сабаблари таҳлил қилинганми, — деди О'зЛиДеР фракцияси аъзоси Шавкат Тешаев. — Бу жуда жиддий масала. Назаримда, ўқув марказлари томонидан даъвогарларни ўқитиш жараёнини янада такомиллаштириш лозим. Бунинг учун эса энг аввало, ана ўша ҳолатларни келтириб чиқарган сабаблар чуқур таҳлил қилиниши керак.

— Масаланинг долзарб эканини инобатга олиб, юқоридаги фикрларни қўллаб-қувватлайман, — деди О'зЛиДеР фракцияси аъзоси Мухаммадjon Турсунов. —

Мақсадимиз кўчмас мулк бозорини қонуний фаолият юритаётган макрлерларни қонун асосида фаолият олиб боришларини таъминлаш экан, уларга имкон қадар тезроқ лицензиялар бериш ҳақида ўйлашимиз керак. Бу ўз-ўзидан соҳада катъий назорат ўрнатилганини аниқлатади. Демак, биринчи гада, имтиҳондан ўта олмаган жисмоний шахсларга амалий ёрдам бериш бўйича комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқиши зарур.

Албатта, риэлторлик фаолияти билан қонуний шугулланаётган жисмоний шахслар фаолиятига чек қўйиш учун Давлат солиқ кўмитаси томонидан ҳам муайян ишлар олиб боришмоқда. Хусусан, камерал назорат жараёнида лицензияси бўлмаган юридик ва жисмоний шахсларга нисбатан қонун ҳужжатларида назарда тутилган жавоб-

гарлик чоралари қўлланилаётган. Қонун кучга кирган вақтдан бери жамаи 609 та назорат тадбири ўтказилиб, 45 нафар жисмоний шахс белгиланган тартибда рўйхатдан ўтмасдан риэлторлик билан шугулланаётгани аниқланган. Натижада ҳуқуқбузарлардан 10210,9 минг сўм миқдорда маъмурий жарима ундирилган.

Кўмида йиғилишида, шунингдек, риэлторлик ташкилотларининг устив капитални шакллантириш билан боғлиқ муаммоларга ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Жумладан, Учтепа туманидаги Қўча бозорини ҳамон «қора макрлерлар» иш юритаётгани депутатлар томонидан танқид қилинди ва Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳамда бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда бу масалаларни ечиш юзасидан тегишли тавсиялар берилди.

«Аёллар қаноти»

Аёллар учун 4,4 миллиард

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада

Асхор ИСТАМОВ,
«XXI ASR»

Ўтган 2011 йилда уларнинг 1042 нафари тижорат банкларидан 15 млрд. 588 млн. сўм миқдорда кредит олиб, саноат, ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалиги, савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаларида бир қатор истиқболли лойиҳаларни амалга оширган бўлсалар, жорий йилнинг биринчи чорагида оилавий тадбиркорлик ва хунарманчиликни молиявий қўллаб-қувватлаш учун 674,1 млн. сўм, аёлларни тадбиркорликка жалб этиш мақсадида эса 4,4 млрд. сўм кредит маблағлари ажратилди. Бу эса ўз навбатида О'зЛиДеР илгари сураётган гоғлар опа-сингилларимиз томонидан қўллаб-қувватланаётганини ҳам тасдиқлайди. Зеро, кишиларда тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш, шу орқали ҳар бир оиланинг фаровонлигига эришиш билан боғлиқ вазифалар бугун ҳар бир аёл, ҳар бир она қалбидаги истак билан уйғунлиги партия сафларининг янада кенгайишига олиб келмоқда.

Таъкидлаш жоиз, бугун бухоролик 10 мингдан ортиқ партиядошларнинг 4200 нафари хотин-қизлардан иборат. Уларнинг 134 нафари бошланғич ташкилот раҳбаридир. Партия электорати саналадиган 2745 нафар тадбиркор ва фермернинг 2036 нафарини аёллар ташкил этади. Туман ва шаҳар кенгашларидаги бошланғич партия ташкилотларига хотин-қизларни жалб қилиш, бугунги сиёсий жараёнларда улар иштирокини кенгайтиришга жиддий эътибор қаратилмоқда. Шу мавзуларга оид туркум тадбирлар ижроси юзасидан доимий мониторинг юритилаяпти. Кейинги пайтда халқ

депутатлари вилоят кенгаши сессиялари кун тартибига киритилаётган касб-хунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлаш, банк пластик карточкаларидан фойдаланиш тизимини яхшилаш, фермерлик ҳаракатини кенгайтиришга оид ўндан ортиқ долзарб масалалар асосан хотин-қизлар ташаббуси билан кўриб чиқилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди. Шунинг ўзи вилоят кенгаши «Аёллар қаноти» бўлимининг жойлардаги масъуллари мавжуд муаммоларни партиявий восита, яъни депутатлик корпуси ёрдамида хал қилишга эришаётганидан далolat беради.

Хусусан, «Аёллар қаноти»нинг партия Сиёсий таълим маркази ва нодавлат нотижорат ташкилотлар билан ҳамкорлиги турли семинар-тренинглар давомида яққолроқ кўзга ташланмоқдаки, бу ҳақда алоҳида тўхталиш жоиздир. О'зЛиДеР вилоят кенгаши «Аёллар қаноти» раҳбари Татьяна Гариеванинг фикрича, тадбиркорлик соҳасида ишлаш ниятида бўлган аёлларга, касб-хунар коллежлари битирувчиларига бизнес-режалар тузиш, тижорат банкларидан кредит маблағлари олишда яқиндан ёрдамлашиш ҳам муҳим вазифалардан биридир.

— Ижтимоий шерикчилик таъмоили бу борада жуда кўл келаяпти, — дейди Т.Гариева. — Хотин-қизлар кўмитаси, «Тадбиркор аёл», «Хунарманд» уюшмалари, «Олтин мерос» хайрия жамғармаси, «Маҳалла» жамоат фонди ва бошқа бир қатор нодавлат нотижорат ташкилотларнинг вилоят ҳудудий бўлиmlари билан ҳамкорлиги ўз самарасини бераётди. Мана бир неча йилдирки, «Устоз-шогирд» мактабларида юзлаб қизларга касб-хунар ўргатилапти. Бу эса жойларда тадбиркорлик ҳаракатини ривожлантиришга ижобий таъсир кўрсатмоқда. Агар 2011 йилда шаҳар ва туманлардаги Банд-

ликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш марказлари томонидан жамаи 19254 нафар аёл ишга жойлаштирилган бўлса, жорий йилнинг биринчи чорагида бу кўрсаткич 3738 нафарни ташкил этади.

Дарҳақиқат, Бухорода оилалардаги маънавий муҳитни яхшилаш, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш ва бу жараёнга барча бундаги партия фаолларини жалб этиш учун бор имкониятлардан фойдаланилмоқда.

— Хонадонларнинг барқарор даромад манбаига эга бўлиши нафақат оила, балки жамятга ҳам катта наф келтиради. Шу маънода оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, айниқса, аёлларимизни тадбиркорлик соҳасига кенг жалб қилиш алоҳида аҳамиятга эгадир, — дейди халқ депутатлари Бухоро вилоят кенгаши депутаты, тадбиркор Насиба Юлдашева. — Мавжуд имтиёзлардан самарали фойдаланишда «Аёллар қаноти»нинг роли ошаётганини, тегишли қарор ва меъёрий ҳужжатлар моҳиятини тадбиркор ва фермер хотин-қизлар ўртасида кенг тарғиб қилишда етакчи кучга айланаётганини кўриб турибмиз. Ана шундай фаоллик туфайли жорий йилнинг ўзида бир қанча бизнес лойиҳаларини ҳаётга татбиқ этиш имкони туғилди. Вилоят кенгаши «Аёллар қаноти» бўлими ташаббуси билан биринчи чорада намунали бизнес лойиҳа эгаси бўлган опа-сингилларимиз 179 млн. сўм миқдордаги кредит маблағига эга бўлдлар.

Бир сўз билан айтганда, бухоролик фаол аёлларга хос изланиш, аҳиллик ва ҳамжиҳатлик ўз самарасини бермоқда. Бунинг ажабланидиган жойи йўқ. Зеро ишбилармон ва тадбиркор, эл қори учун ёниб яшашни ҳаётий шиорига айлантирган инсонлар бошини қовуштириш О'зЛиДеРнинг бosh мақсадирид.

2012 йил —
«Мустаҳкам оила йили»

АҲОЛИ БАНДЛИК ДАРАЖАСИ ОШМОҚДА

Навоий вилоятида «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастури ижросини таъминлаш борасида изчил ишлар амалга оширилмоқда. Жойларда ташкил этилаётган бўш иш ўринлари ярмаркалари аҳоли, айниқса, ёшлар бандлигини таъминлаш, оилалар фаровонлигини оширишга хизмат қилмоқда. Навоий шаҳрида бўлиб ўтган ана шундай меҳнат ярмаркасида Навоий металлургия комбинати, «Навоийазот», «Кизилкумўмент», «Навоий электромашзаводи», «Бахт текстиль» каби йirik саноат корхоналари, 80 дан ортиқ ташкилот ва муассасалар, тадбиркорлик субъектлари ўзларининг 400 дан зиёд бўш иш ўринлари билан иштирок этади.

— Жорий йилда бундай ярмарка иккинчи бор ўтказилмоқда, — дейди шаҳар бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази директорининг ўринбосари Сарварбек Умаров. —

Биринчи бор ўтказилган ярмаркада шахримизнинг 132 нафар аҳолиси ишга жойлашган бўлса, бу галги тадбир орқали 150 нафарга яқин фуқаро иш ўрнига эга бўлди. Уларнинг 100 нафардан ортигини коллеж битирувчилари ташкил этади.

Бу борадаги ишлар изчил давом эттирилади.

— Меҳнат ярмаркалари биз, ёшларга ўз мутахассислигимизга мос иш топишда катта имконият яратмоқда, — дейди Навоий информатика ва электрон саноат касб-хунар коллежи битирувчиси Мафтуна Шодмонова. — Бугунги тадбирда «Навоий почтаси» акциядорлик жамятида оператор бўлиб ишлаш учун йўлланма олдим.

МАҲСУЛОТГА ТАЛАБ ЮҚОРИ

Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудинда жойлашган Қоратов тоғ тизмалари бағрида Менделеев даврий жадвалидаги девяри барча элементлар мавжуд бўлиб, уларни излаб топиш, қазиб олиш ва юрт равнақига йўналтириш борасида салмоқли ишлар олиб боришмоқда.

«Верми Изол» масъулияти чекланган жамяти қошида фаолият юритаётган «Қорақалпоқ Верми» шўъба корхонаси овоз ўтказмайдиган, исоқлиқни сақловчи, ўтга чдамли, енгил қурилиш материаллари ишлаб чиқариш ҳамда саноатда фойдаланиладиган вермикулит қазиб олишни йўлга қўйди.

Корхонада бугунги кунда 20 киши меҳнат қилмоқда. Бу ерда маҳсулотни қазиб олиш, уни буортмачига етказиб беришга бўлган жараён замонавий технологиялар асосида амалга оширилади. Қудратли техникалар ёрдамида қондан қазиб олинаётган вермикулит махсус дастгоҳларда сараланади, тозаланади ва сифати бўйича уч хил политизтилен қопларга қадоқланиб, истеъмолчиларга жўнатилади.

— Юртимизда тадбиркорларга яратилаётган имкониятлардан фойдаланиб, хориқ технологияси асосида ишлаб чиқаришни йўлга қўйди, — дейди корхона раҳбари Алишер Бағиров. — Маҳаллийлаштириш дастурига кўра ташкил этилган корхонамизда ўтган йили бир минг 200 тонна маҳсулот тайёрланиб, буортмачиларга етказиб берилди. Шу билан бирга, 220 минг АҚШ доллари миқдоридagi маҳсулотни экспорт қилишга эришдик. Корхона ишлаб чиқараётган маҳсулотга ички ва ташқи бозорда талаб ортиб бормоқда. Жорий йилнинг ўтган даврида 100 тоннадан ортиқ маҳсулот тайёрланди.

(Ў.А)

Пойтахтлик «Ишбилармон талаба»лар НОМИ ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада


Шухрат РАҲИМОВ,
«XXI ASR»

Яқинда эса пойтахтимиздаги «Баркамол авлод» болалар марказида кўрик-танловнинг Тошкент шаҳар босқичига яқун ясалди.

Тан олиш керак: билимлар беллашуви, дея эътироф этилган тадбир дўстона рақобат, кескин ва мурасасиз мунозаралар руҳида ўтди. Қуйи босқичларда шаҳарнинг энг қобилиятли талабалари саралаб олингани боис уларнинг энг яхшисини аниқлаш осон кечмади, албатта. Тадбир ташкилотчиларнинг мақсади ҳам аслида шу эди. Зеро, замонавий фикрлайдиган, жамятда муносиб ўрин эгаллашга қодир ёшлар сафини кенгайтириш ва уларда тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш партиянинг устувор вазифаларидан бири ҳисобланади.

— Ёшлар салоҳиятини ривожлантириш бугун алоҳида аҳамият касб этади, — деди Олий Махлис Қонунчилик палатаси депутати Одижон Аширов. — Бу эса янги авлод вакилларининг тадбиркорлик фаолиятига қизиқишларини кучайтириш, уларга ўз бизнесини ташкил этиш учун иқтисодий ва ҳуқуқий шартларни яратиш билан боғлиқдир. О'зЛиДеР «Ёшлар қаноти» ташаббуси ва саяёҳаракати билан 2004 йилдан буён ўтказилаётган мазкур кўрик-танлов ана шу эзгу мақсадга, аниқроғи, Тошкент шаҳридаги 39 та академик лицей ва 79 та касб-хунар коллежи битирувчи-талабаларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ҳамда уларда тадбиркорлик кўникмаларини шакллантиришга қаратилган. Шуниси қувонарлики, танлов иштирокчиларига қўйилган талаблар қанчалик жиддий бўлмаган, унда иштирок этмокчи бўлган ёшлар сафи йилдан-йилга ортиб бормоқда.

О'зЛиДеР Тошкент шаҳар кенгаши раиси ўринбосари Бурхон Аҳмеджонов қатнашчи-



ларнинг билим ва қобилияти, тадбиркорликка нечоғли интилишлари, таълим муассасасида олган баҳолари мазкур танловда голиб бўлишнинг асосий мезонини алоҳида таъкидлади.

Ниҳоят, ҳакамлар томонидан голиблар номи эълон қилинди. Яққасарой туманидаги Енгил саноат касб-хунар коллежи талабаси Дилноза Собирова фахри биринчи ўринга муносиб, деб топилди.

— Бугунги танлов ҳаётда эришган илк ютуқларимдан бири, — дейди Дилноза. — Тадбиркорликка жуда қизиқман. Олти ёшимдан буён тикувчилик сирларини ўрганиб келаман. Ҳозирда бисер ёрдамида эсдалик совғалари коллекциясини тайёрлапман. Келажакда «Ёшлар қаноти»нинг фаол аъзоси сифатида етук моделер-дизайнер бўлмоқчиман.

Ҳакамлар ҳайъати томонидан иккинчи ўринга лойиқ қўрилган Бахтиёр Ҳидоятлов Олмазор туманидаги 326-давлат иختисослаштирилган умумтаълим мактабида таҳсил олган. — Устозим Саодат опадан расомчиликнинг манзара жанри сир-ас-

роларини ўрганапман, — дейди Бахтиёр. — Аммо қизиқишларим шу билан чекланмаган. Ахборот технологияларига оид билимларни кунт билан ўрганапман. Келажакда Турин политехника университетида ўқишга киришганимни ташкил этмокчиман.

— Шюрим — юрт қорига ярайдиган инсон бўлиб етишиш, — дейди учинчи ўрин соҳибаси Гулноза Қўчқорова. — Тошкент иختисослаштирилган хотин-қизлар коллежида Хуқуқ ва ижтимоий муҳофаза йўналиши талабаси-ман. 2010 йилда она тили ва адабиётдан фан олимпиадасининг шаҳар босқичида совриндор бўлдим. «Келажак овози» кўрик-танловининг туман босқичида биринчи ўринни эгалладим. Бўш пайтларимда тикувчилик билан шугулланаман.

Ҳа, танлов голибларининг орзулари бир олам. Уларнинг порлаб турган юзларига боқиб, Ватанимиз келажаги ишончли қўлларда эканини, юртимиз юки ҳеч қачон ерда қолмаслигига амин бўлдик.

Тадбир

Соғлом бўлгин, болажон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ
ЮНИСЕФ БИЛАН ХАМКОРЛИКДА ЎТАЁТГАН ҲАФТАНИ «СОҒЛОМ
БОЛА ҲАФТАЛИГИ» ДЕБ ЭЪЛОН ҚИЛДИ

Наргиза КАҲҚОРОВА,
«XXI ASR»

Унга кўра, ҳафта якунига қадар юртимиздаги 6 ойликдан 5 ёшгача бўлган 2,6 млн.дан ортиқ болалар А витамини билан таъминланади.

— Маълумки, юртимизда 2002 йилдан буён А витамини етишмаслиги олдини олиш бўйича махсус дастур амалга оширилиб келинади. Ушбу дастур «Микронутриент етишмаслиги профилактикаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига мувофиқ ишлаб чиқилган бўлиб, бугунги кунга қадар А витамини саплементацияси тадбирлари ўн еттинчи бор ташкил этилмоқда. — дейди Соғлиқни сақлаш вазирининг ўринбосари Асомиддин Комиллов. — Лойиҳага мувофиқ ҳар гал 2 млн. нафардан зиёд болалар соғломлаштириш тадбирларига қамраб олинди. Бу, ўз навбатида, микронутриентлар танқислиги билан боғлиқ касаланиш ҳолатлари, шунингдек, турли тугма нуқсонлар, паст бўйлилик ҳамда болалар ўлими билан боғлиқ нохуш

ҳолатлар тобора камайиб боришида муҳим аҳамият касб этади.

— Икки ёш боланинг онасиман, — дейди Дилрабо Камолова. — Фарзандларимни тарбиялаш давомида болалар саломатлиги билан боғлиқ қўлланма ва китобларни ўқиб бораман. А витамини инсон иммунитетининг энг муҳим микроэлементларидан бири сифатида бола организмни учун зарур эҳтиёж эканлигини яхши англаганим учун биринчилар сафида фарзандларимни поликлиникага олиб чиқдим. Витамин қабул қилингандан кейин уларда ҳеч қандай нохуш ҳолат сезилмагандан хурсандман.

«Соғлом бола ҳафталиги» жойлардаги соғлиқни сақлаш идоралари билан биргаликда соғлиқни сақлашнинг бирламчи тармоғи хизматчиларининг касбий малакаларини ошириш, шунингдек, малакали мутахассисларнинг вилоятлардаги ташрифини ташкиллаштириш орқали фертиль ёшдаги аёллар ва ўсимир қизларни шифокор мутахассислар кўригидан ўтказишни таъминлашга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Муносабат

ЁЛҒОННИНГ УМРИ ҚИСҚА

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ БОЙСУН ТУМАН КЕНГАШИДАГИ 9 НАФАР ХДП АЪЗОСИ БИР-БИРИНИ ТАНИМАСЛИГИ ОҚИБАТИДА «ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» ГАЗЕТАСИДА ЯНА БИР ЁЛҒОН МАЪЛУМОТ ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ

Озод РАЖАБОВ,
«XXI ASR»

Маълумки, кейинги йилларда давлат ҳокимияти ва бошқаруви демократлаштириш соҳасида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар натижасида сиёсий партиялар фаолиятида жиддий ўзгаришлар рўй берди. Айниқса, «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Конституциявий қонун сиёсий партияларга қўшимча ваколатлар бериш ба-робарида улар зиммасидаги масъулиятни ҳам оширди. Ана шу муҳим қонун тўғрисида сиёсий майдонда рақобат муҳитининг кучайиши, ўз навбатида, сиёсий кучларнинг электротар манфаатларини ҳимоя қилиш имкониятини ҳам кенгайтирди.

Лекин мазкур жараёнда баъзи бир партиялар фаоллари курак танқидга берилмоқдаларки, бу сайловчилар эътиборидан ҳам четда қолмапти. Хусусан, ХДП наشري — «Ўзбекистон овози» газетасининг 2012 йил 12 июндаги сонда эълон қилинган «Ваъда амалда бажарилса» номи мақола, таъбир жоиз бўлса, ҳақиқатдан йироқ, десак хато қилмаймиз.

Халқ депутатлари Бойсун туман кенгашидаги О'zLiDeP депутатлик гуруҳи фаолиятини танқид қилиш учунгина пойма-пой мулоҳазаларни қозоғга туширган муаллиф ўзи билиб-билмай, ХДП депутатлик гуруҳининг кўпчилиги маълум бўлмаган «сир»ларини ҳам ошкор қилиб қўйди. Гап шундаки, мақолада туман кенгашига сайланган депутат, ХДП аъзоси, боз устига Регламент ва

депутатлик одоби доимий комиссияси раиси Маҳмуд Қосимов номидан О'zLiDePнинг айрим аъзолари сессияларда қатнашмаётгани тилга олинади. Аммо масалага ойдинлик киритиш жараёнида жаноб Қосимов томонидан О'zLiDeP аъзоси сифатида тилга олинган депутатларнинг

Бундай «хато» ёки «адашиш»дан депутатлик одоби комиссияси раиси Маҳмуд Қосимов ёки ХДП наشري қандай мақсадни кўзда тутган эди? Бизнингча, ислохотларнинг янги босқичида ХДПнинг айрим фаоллари сиёсий партиялар зиммасидаги асосий вазифани бошқа партиялар номини ёмонотлик қилишда, деб тушунаётган кўринади.

бири Бахтиёр Нормуродовнинг ХДПдан сайлангани, иккинчи депутат — Шўхрат Эшқулов эса «Миллий тикланиш» ДП вакили эканлиги маълум бўлди.

Хўш, бундай «хато» ёки «адашиш»дан депутатлик одоби комиссияси раиси Маҳмуд Қосимов ёки ХДП наشري қандай мақсадни кўзда тутган эди? Бизнингча, ислохотларнинг янги босқичида ХДПнинг айрим фаоллари сиёсий партиялар зиммасидаги асосий вазифани бошқа партиялар номини ёмонотлик қилишда, деб тушунаётган кўринади. Ваҳоланки, бугунги кунда ҳар қандай партия ўз электорати манфаатидан келиб чиққан ҳолда фаолият юритиши, қонунчилик базасини янада такомиллаштириши, жойлардаги ҳудудий дастурлар ижросини қатъий таъминлаш орқали ана шу жараёнда фаол иштирок этиши керак эмасми? Бойсундаги бундай «янглишиш» биринчи марта рўй бермаётганлигини ҳам таъкидлаш жоиз. Худди шундай макро-

ла Оҳангарон тумани мисолида ҳам эълон қилинганлари бир эсга олайлик. Сурхондарёлик ХДП фаоллари эса бу ҳолатни ўзларининг оддий турмуш тарзларига айлантириб олган кўринади. Биз О'zLiDePга нисбатан худди шундай муносабат Наманган, Жиззах ва Самарқандда ҳам

кимга сир эмас. Далилларни бузиб кўрсатиш, тушунчаларни ўзгартириб қўллаш, бир ҳокимият тизими ваколатига кирувчи масалалар юзасидан ҳокимиятнинг бошқа тизимига кирувчи тузилмаларни айбдор қилиш оддий ҳолга айланди. Умуман, кейинги вақтларда ушбу «услуглар» тизими очилганига ёлғон ишлатишдек, фақат «Ўзбекистон овози»га хос бўлган услуб билан бойий бошлагани сабабини изоҳлаш қийин. Энди бир тасаввур этайлик: агар бошқа партиялар наشري ҳам очикдан-очик шундай услубни қўллаш бошласалар, бундан ким ютади? Ёлғон билан обрў топишга уринаётган партияни ёки ушбу нашр алдовига гувоҳ бўлаётган жамоатчиликми?

Ўз рақибини ёмонотлик қилиш учун ҳеч нарсадан қайтмаслик, сиёсий нардан, журналистик этика тамойилларини очикчасига инкор қилган ҳолда иш тутишни ўзига эп кўрган сиёсий партия ва унинг наشري билан баҳсга киришишни ўзини ҳурмат қилган ҳар қандай ташкилот ўзига эп кўрмаслиги аниқ. Лекин бундай узлуқсиз ёлғонлар билан жамоатчилик фикри шакллантирилаётган бўлса, қандай қилиб уларга эътибор қаратмаслик мумкин?

Аслида баҳс-мунозара дегани фақат маълум бир масалалар ечимини ҳусусида тортишиш, бошқалар фикрини инобатга олмаслик, ўзининг доим ҳам тўғри бўлмаган қарашларини эътибор билан қўлдан қўйиб уларга эътибор қаратмаслик мумкин!

Ҳа, чиндан ҳам нима қилиб бўлса ҳам О'zLiDePни ёмонотлик қилиш учун ушбу нашр томонидан бир-биридан фаройиб «услуглар» қўлланганлиги ҳеч

Ҳамкорлик

Фонд ОАВни қўллаб-қувватламоқда

МИЛЛИЙ МАТБУОТ МАРКАЗИДА ЎЗБЕКИСТОН МУСТАҚИЛ БОСМА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ, АХБОРОТ АГЕНТЛИКЛАРИНИ ҚўЛЛАБ-қувватлаш ва РИВОЖЛАНТИРИШ ФОНДИ ТАШАББУСИ БИЛАН «МУСТАҚИЛ БОСМА ОАВНИ ҚўЛЛАБ-қувватлаш БОРАСИДА БЕЛГИЛАНГАН ЧОРА-ТАДБИРЛАР ВА УЛАРНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ УСТУВОР ВАЗИФАЛАРИ» МАВЗУИДА ТАДБИР Бўлиб ўтди

Унда мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган ОАВнинг ижобий динамикаси, уларнинг шакл-шамойиллари ҳақида маълумот берган ташкилотчилар фонд томонидан ҳаётга татбиқ этилган бир қатор лойиҳалар ҳусусида атрафлича фикр юритишди.

— Соҳа ходимлари малакасини ошириш мақсадида ишлаб чиқилган лойиҳага мувофиқ, республика бўйича жами 130 нафар ёш журналист марказий нашрлар тахриратларида фаолият юритиб, ахборот агентликлари вакиллари ва тахриратчи журналистлар билан уюштирилган учрашувлар-

да ўз билимларини кенгайтириш имконига эга бўлдилар, — деди фонд раҳбари ўринбосари Акбар Жонузоқов. — Бундан ташқари, мазкур лойиҳа доирасида вилоятлардан келган журналистлар учун Олий Махлис Қонунчилик палатаси, Ўзбекистон Экологик ҳаракати, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти ҳамда бир қатор олий ўқув ортларида 18 та семинар ва давра суҳбатлари ташкил этилди.

Утган йили фонд томонидан журналистлар ихтисослашувига қўмақлаштириш, ОАВнинг ихтисодий эркинлиги ва молиявий барқарор-

лигини таъминлашга ёрдамлаштириш мақсадида мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларни босма ОАВ ва ахборот агентликлари орқали кенг ёритишга бағишланган чора-тадбирлар ҳам амалга оширилди. Хусусан, газета ва журналларда ННТлар фаолияти, Ўзбекистон маданий мероси ва туристик салоҳияти, оналик ва балиқчи муҳофаза қилиш, нарқобчилик, уюшган жиноятчилик, одам савдосига оид 30 дан зиёд мавзуларда 700 дан ортиқ тахрилий материаллар чоп этилди.

Экспорт микдори ошаётир

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИДА ЖОРИЙ ЙИЛНИНГ 1 ИЮНЬ ҲОЛАТИГА ЖАМИ 28,9 МИНГ АҚШ ДОЛЛАРИ МИКДОРИДА МАХСУЛОТ ВА ХИЗМАТЛАР ЭКСПОРТИ АМАЛГА ОШИРИЛДИ. БУ ЭСА РЕЖАГА НИСБАТАН 115,5 ФОИЗНИ ТАШКИЛ ЭТМОҚДА

Муҳаббат РАВШАНОВА,
«XXI ASR»

— Худудий экспорт юғрофияси Россия, Қозоғистон, Туркия, Эрон, Латвия, Австрия, Украина, Молдова, Буюк Британия, АҚШ, Канада ва Азербайжон каби давлатлар ҳиссасига тўғри келмоқда, — дейди вилоят ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо бошқармаси бошлиғи Отабек Бобоёв. — Асосан гилам ва гилам маҳсулотлари, томат ва ўрик пастаси, мева шарбати, тракторлар учун эҳтиёт қисмлар, қурилиш материалларидан мрамар, гранит ва гипс, шунингдек, ферментланган тамаки хо-

рифта сотилмоқда. Сифатли маҳсулотлари билан аллақачон чет эллик харидорлар эътиборини қозонган қорхоналардан бири бу Самарқанд шаҳрида фаолият кўрсатаётган «ДАКА ТЕХ» масъулияти чекланган жамиятидир. Хозирда бу ерда 300 нафардан ортиқ ишчи-ҳодим меҳнат қилмоқда.

— Ишлаб чиқариш ускуналарини 2008-2009 йилларда олиб келган эдик, — дейди қорхона раҳбари Ижод Сулаймонов. — Ҳозир бир кеча-кундузда 9,5 тонна, ойига ўртача 285 тонна юқори сифатли ип-калава тайёрланиб, маҳсулотнинг 90 фоизи Россия, Хитой, Тур-

кия каби мамлакатларга экспорт қилинмоқда. Бу борадаги кўрсаткичларимиз ҳам йил сайин ошиб бормоқда. Эътиборли томони, ўтган йили Туркия ва Италиядан янги ускуналар келтириб, ўзимиз ишлаб чиқараётган калава-ипдан трикотаж мато тайёрлашга киришдик. Бу дастгоҳларнинг ҳар бири ёрдамида кунига ўртача 200 кг. сифатли трикотаж ишлаб чиқарилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, айни пайтда қорхонада янги лойиҳалар устида иш олиб борилаётган. Бўйақ ва тивув целлари фаолият бошлаган, яна 200 та янги иш ўрни очилди.

Бандалик



«GM POWERTRAIN — UZBEKISTAN» ЁШЛАРИ ЧОРЛАЙДИ

Зангиота туманидаги автомобиль двигателлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган «General Motors Powertrain — Uzbekistan» ЕАЖда бўш иш ўринлари ярмаркаси бўлиб ўтди.

«Ўзавтосаноат» АК ахборот хизматидан хабар қилинишича, заводнинг ўзида бўлиб ўтган тадбирда йилгиланларга аввал компания фаолияти, қўлга киритилган ютуқлар ҳақида батафсил маълумот берилган. Ўз навбатида иш жараёнининг бориши билан қизикқанлар учун қорхона цехлари бўйлаб экскурсия ташкил этилган.

Хабарда таъкидланганидек, ярмарка давомида юртимиз олий ўқув юртлири ҳамда касб-хунар коллежларида фрезерчи, чилангар, механик, электрик, ҳисобчи, кимёгар, сифат назоратчиси

мутахассисликларини эгаллаган юзлаб ёшлар билан меҳнат шартномалари имзоланди. Таъкидлаб ўтиш жоиз: 2011 йилнинг ноябрь ойида ишга туширилган «General Motors Powertrain — Uzbekistan» ЕАЖ яқин келажакда ишлаб чиқариш қувватини тубдан оширишни режалаштирган. Бу эса қорхона нафақат мамлакатимизда ишлаб чиқарилган автомобилларни моторлар билан таъминлаш, балки маҳсулотнинг маълум қисминини экспорт қилиш имкониятига эга бўлади, деганидир.

Қонун ва ижро

Прописка учун бор-йўғи уч кун

2012 ЙИЛНИНГ 14 МАЙИДАН ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФУҚАРОЛАРИНИ ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИГА ДОИМИЙ ПРОПИСКА ҚИЛИШ ТАРТИБИ Тўғрисидаги йўриқнома КУЧГА КИРДИ

Хўш, кўпчилик юртдошларимизни қизиқтираётган ана шу муҳим ҳужжатда қандай талаблар белгиланган? «XXI ASR» газетаси муҳбири мазкур йўриқномани шарҳлаш учун ИИВнинг Хорижга чиқиш, келиш ва фуқароликни расмийлаштириш бошқармаси бошлиғи, полковник Бадриддин Шорихсиевга муурожаат қилди.

— Йўриқнома қабул қилингунга қадар фуқароларни прописка қилиш учун зарур ҳужжатлар туман ИИБда йиғилиб, тасдиқлаш ва рухсат олиш учун Тошкент шаҳар ва вилоят ҳокимлигига тақдим қилинар эди, — дейди Б.Шорихсиев. — Эндиликда фуқароларни доимий рўйхатга қўйиш Тошкент шаҳрида туман ИИБ, Тошкент вилоятида эса туман ва шаҳар ИИБлари томонидан амалга ошириладиган бўлди. Зарур ҳужжатлар топширилганидан кейин бу уч иш кунда ҳал этилиши кўзда тутилган.

— Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиниши лозим бўлган шахслар — Ўзбекистон Республикаси фуқаролари тоифасининг рўйхати тўғрисидаги қонуннинг биринчи бандига кўра, сотиб олинган уй-жойга эга бўлган фуқаролар ҳусусий мулк қилиб олинган уй-жойга прописка қилиниши белгилаб қўйилди. Бу қандай тартибда ҳал этилади? — Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти ҳокимликлари ҳузурдаги махсус комиссиялар томонидан берилган рухсатномалар асосида 2012 йилнинг 15 сентябргача олдинсоти, ҳаля, айирбошлаш шартномалари, қонун ҳужжатларига мувофиқ мерос ва ҳусусийлаштириш асосида, суд қарорига кўра, шунингдек, мазкур йўриқномага мувофиқ уй-жой олган фуқаролар ҳам белгиланган тартибда доимий рўйхатга олинди. Рўйхатнинг 1-бандига кўра, Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилинган фуқароларнинг қариндошлари эса рўйхатнинг 2-5-бандлари асосида доимий прописка қилинади.

— Қонунда, шунингдек, ота-онаси бўлмаган, вояга етмаган туғилган ака-ука ва опа-сингиллар, шунингдек, меҳнатга қобилиятсиз бўлган ҳамда ўз оиласи (эри, хотини ва фарзандлари) бўлмаган вояга етган туғилган ака-ука ва опа-сингиллар ўзларининг туғилган ака-ука ёки опа-сингиллари доимий прописка қилинган уй-жой майдонига прописка қилиниши ҳам белгилаб қўйилганини таъкидлаш жоиз. — Вояга етган, аммо ўз оиласи бўлмаган меҳнатга қобилиятли фуқаролар ака-ука ёки опа-сингилларнинг уйига прописка қилиниши мумкинми? — Йўқ. Чунки қонунга кўра, бунга фақат меҳнатга

дошлар, деганда бобо-буви ва набиралар тушунилади, шундайми? — Худди шундай.

— Қонунга кўра, бугун васийлик ва ҳомийликдаги шахслар — васий (ҳомий) доимий прописка қилинган уй-жой майдонига ҳам белгилади. Кимларга нисбатан васий ёки ҳомий тайинлишини тушунириб берсангиз. — Васийлик ва ҳомийлик Вазирилар Маҳкамасининг 1999 йил 12 апрелдаги қарорига биноан туман ёки шаҳар ҳокимининг қарори билан белгилиниши эслатиб ўтиш жоиз. Васийлик ва ҳомийлик васий ёки ҳомий тайинлишига муҳтож бўлган шахс яшаётган жойда, агар шахснинг муайян яшаш жойи бўлмаса, васий ёки ҳомий яшаётган жойда белгиланади. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига мувофиқ, васийлик 14 ёшга тўлмаганлар ҳамда суд томонидан муомалага лаёқатсиз, деб топилган фуқароларга нисбатан белгиланади. Ҳомийлик эса 14 ёшдан 18 ёшгача бўлган вояга етмаганлар ҳамда суд томонидан муомала лаёқати чекланган, деб топилган фуқароларга белгиланади.

— Қонунда, шунингдек, ота-онаси бўлмаган, вояга етмаган туғилган ака-ука ва опа-сингиллар, шунингдек, меҳнатга қобилиятсиз бўлган ҳамда ўз оиласи (эри, хотини ва фарзандлари) бўлмаган вояга етган туғилган ака-ука ва опа-сингиллар ўзларининг туғилган ака-ука ёки опа-сингиллари доимий прописка қилинган уй-жой майдонига прописка қилиниши ҳам белгилаб қўйилганини таъкидлаш жоиз. — Вояга етган, аммо ўз оиласи бўлмаган меҳнатга қобилиятли фуқаролар ака-ука ёки опа-сингилларнинг уйига прописка қилиниши мумкинми? — Йўқ. Чунки қонунга кўра, бунга фақат меҳнатга

қобилиятсиз бўлган ҳамда ўз оиласи (эри, хотини) ва фарзандлари) бўлмаган вояга етган туғилган ака-ука ва опа-сингилларгина ҳақли.

— Қонунда эр (хотин), хотин (эр) доимий прописка қилинган уй-жой майдонига камида бир йил биргаликда яшаётган бўлса, прописка қилиниши назарда тутилган. Буни қандай изоҳлаш мумкин? — Бунда фуқаролар белгиланган тартибдаги ҳужжатларга илова тарзида эр-хотиннинг ҳақиқатда бирга яшаётган жойи бўйича фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи раиси (оқсоқоли) ва ҳудуд профилактика инспектори томонидан имзоланган эр-хотиннинг камида бир йил биргаликда яшаётганлиги тўғрисидаги мазкур йўриқноманинг 3-иловасига мувофиқ маълумотнома тақдим этилди.

— Янги тартибга кўра, давлат ҳокимияти, давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари ҳамда республика аҳамиятига молик бошқа ташкилотларга ишга тақлиф этилаётган мутахассислар тегишли орган ёки ташкилот раҳбарининг илтимосномасига кўра прописка қилиниши белгиланади. Бунинг учун қандай ҳужжатлар талаб этилади? — Бунинг учун, энг аввало, мазкур тоифадаги фуқаролар лавозимда турадиган даврга доимий прописка қилинаётган зарур ҳужжатлар билан бирга давлат ҳокимияти, давлат ва ҳўжалик бошқаруви органи, республика аҳамиятига молик бошқа давлат ташкилоти раҳбарининг мазкур йўриқноманинг 6-иловасига мувофиқ шаклда ишга тақлиф этилаётган фуқаронинг (юқори малакали ёки тор ихтисосликдаги мутахассис) ишонқилими кафолати билан биргаликда илтимосномаси, шунингдек, лавозимга тайинлаш тўғрисидаги буйруқдан кўнрама топширилмиши шарт.

Доимий прописка қилинган фуқаро паспортига бир вақтининг ўзида прописка штампи уй дафтарига ёки хонандон картчасига, шунингдек, фуқаронинг аризасига қўйилади ва пропискани расмийлаштирган ходим томонидан имзоланади.

Реклама

SD PAPER

МЧЖ қорхонаси
2,5 кг. А4 ҳажмдаги офсет қорғазларини тақлиф этади.

SD PAPER
Laser, copier and inkjet

A4 80 500

100% Performance Guaranteed

Манзил: Тошкент ш. Ўзбекистон шўх кўчаси, 16 А-уй
Муурожаат учун телефон: 336-18-18, 245-37-77, 249-49-04.

САМАРҚАНД. О'zLiDeP Тайлоқ туман кенгашида ўтказилган «Депутат ва БПТ ҳамкорлиги: ютуқлар, муаммолар ва ечимлар» мавзусидаги ахборот эшитиш депутатлик гуруҳлари билан бошланғич ташкилотлар ўртасидаги алоқаларни мустахкамлаш масаласига бағишланди. Тадбирда партия Сийёсий Кенгаши қарор ва фармойишлари, тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросини таъминлаш, бу борадаги камчиликларни бартараф этиш юзасидан атрофлича фикр юритилиб, партия кўйи бўғинлари билан матбуот ўртасидаги ҳамкорликни кенгайтириш бўйича амалий тақлифлар билдирилди.

КОРАКАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ. Нукус шаҳрида О'zLiDeP бошланғич ташкилотлари сони яна биттага кўпайди. «OKSDORMEBEL» МЧЖ қошида барпо этилган кўйи бугун айти кунда 12 нафар партия аъзосининг бошини қовуштириб турибди. БПТ раиси Биймурат Мамбетқаримовнинг таъкидлашича, замонавий хориж технологиясига асосланган мазкур корхона мебель маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган бўлиб, бу ерда сийёсий фаол ходимлар қатламнинг пайдо бўлиши унинг иқтисодий тараққиётида катта аҳамият касб этиши шубҳасиз.

ФАРҒОНА. Президентимиз Концепцияси юзасидан Ёзёвон туманида БПТ раислари учун давра суҳбати ташкил этилди. Тадбирда мазкур дастуриламал ҳужжатдаги ғоя ва мақсадларнинг мазмун-моҳиятини аҳоли орасида кенг тарғиб этиш, бу борада О'zLiDePнинг жойлардаги кўйи бўғинлари масъулиятини янада ошириш юзасидан муҳим тақлифлар ўртага ташланиб, партия фаолларининг ғоявий-сийёсий соҳадаги долзарб вазифаларига яна бир бор эътибор қаратилди.

e-mail: axborotXKlas@yahoo.com, web sayi: www.21asr.uz

БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИДА

2012 йил 28 июнь, пайшанба, 26-(450)-сон

Ҳаммаси кадрларга боғлиқ

ОҚОЛТИН ТУМАНИДА 900 НАФАРДАН ЗИЁД О'ZLIDEP АЪЗОСИ БЎЛИБ, УЛАР 24 ТА БОШЛАНҒИЧ ТАШКИЛОТ АТРОФИГА УЮШГАН ҲОЛДА ФАОЛИЯТ ОЛИБ БОРМОҚДАЛАР

Абулфайз САЙИДСАҚАРОВ, «XXI ASR»

«Юсуп» фермер хўжалиги қошидаги БПТ ана шулардан бири бўлиб, унга ўз тақдирини Мирзаҷўли обод қилиш билан боғлаган инсон Эргаш Юсупов етакчилик қилмоқда.

— Давр сийёсий қарашларимизни тубдан ўзгартирмоқда, — дейди партия фаолларидан бири, «Меҳнат шўхрати» ва «Фидокорона хизматлари учун» орденлари нишондори Шавкат Умматов. — Мен бунди Эргаш ака тимсолида кўраман. У ҳам халқ депутатлари туман кенгаши сифатида жамоатчилик ишларида фаол қатнашади. Шу тўғрисида одамлар меҳрини қозongan. Унинг саяёҳаракати билан кўплаб хонадонларда «зангори олов» порлади, тупроқ кўчаларга шағал тўкилиб, обод қилинди. Қисқаси, нафақа ёшидаги отахоннинг ғайратига ҳар қанча ҳавас қилиш мумкин. У кўнгил амрига қулоқ тутиб, мустақилликнинг дастлабки йилларидаёқ ушбу хўжаликни ташкил этган эди. Меҳнат ва изланишлари беиз кетмади. «Юсуп» фермер хўжалиги бугун иқтисодий жиҳатдан ўзини тиклаб олган, ҳар соҳада илғор. Биргина ўтган йили давлатга 66,7 тонна пахта, 131,2 тонна галла сотиб, бу борадаги режаларни ортиги билан бажарди.

Шу кунларда ҳам фермер хўжалигида иш қизғин. Дехқонлар муҳим агротехник тадбирлар билан банд. Мавжуд 29 гектар майдондаги ғўза ниҳоллари тўртинчи ишловдан чи-



Давр олдимизга янгидан-янги вазифаларни қўймоқда. Шундай экан, партия келажаги учун малакали кадрлар тайёрлаш, уларнинг билим ва савиясини ошириб бориш биринчи даражали вазифамизга айланиши лозим.

қарилган бўлса, 42 гектарни эгаллаган бугдойзорлар кўзни қувонтиради. Айтиш жоизки, кадрларни тарбиялаш, уларнинг ғоявий-сийёсий дунёқарашини кенгайтиришда бошланғич партия ташкилотининг ҳиссаси катта бўлаётти. Биргина мисол. 2006 йилда ушбу хўжаликда бош ҳисобчи сифатида иш бошлаган ёш мутахассис Эркин Юсупов партиявий муҳитда ўсиб ва чиникди. Интилганга — толе ёр, деганларидек, 2011 йилда ўтказилган О'zLiDeP туман кенгашининг навбатдаги ҳисобот-сўйлос конференциясида 35 ёшли

Э.Юсуповга катта ишонч билдирилди, яъни у бир овоздан кенгаш раислигига сайланди. Ҳозирда у «Эл-юрт ҳурмати» нишондори Маъмур Жунов, Бахтиёр Синдоров, Абдуқаҳор Худойбердиев каби фаоллар кўмағига таяниб, партиявий-сийёсий ишларни тақомиллаштириш йўлида астойдил хизмат қилмоқда.

— Бошланғич ташкилотлар кучи электротат билан барқарордир, — дейди Эркин Юсупов. — Шу боис ўзаро ҳамкорликни мустахкамлашга ҳаракат қилаёلمиз. Жойларда партиявий-сийёсий ишлар

кучайтирилмоқда. Биз эришилган натижалар билан чегараланиб қолмасликни лозим, албатта. Чунки давр олдимизга янгидан-янги вазифаларни қўймоқда. Шундай экан, партия келажаги учун малакали кадрлар тайёрлаш, уларнинг билим ва савиясини ошириб бориш биринчи даражали вазифамизга айланиши лозим.

Бу фикрларга қўшилмасликнинг иложи йўқ, албатта. Зеро, партияимизнинг эртанги кунни асосан кадрларга боғлиқ. Шундай экан, улар ҳақида ҳозирдан қайғуриш, партия сафларини иқтидорли ёшлар ҳисобига кенгайтириб бориш талаб этилади. О'zLiDeP фаоли, 70 ёшли Эргаш Юсуповнинг бу жиҳатдан кўнгли тўқ. От ўрнини той босар, деганларидек, бугун унинг кўплаб шогирдлари ғоявий-сийёсий жараёнларда фаол қатнашиб, ўз имкониятларини амалда намоеён этмоқдалар. Шунинг ўзи бир инсон учун катта бахт эмасми, ахир!

«Аёллар қаноти»

САМАРҚАНД. О'zLiDeP «Аёллар қаноти»нинг «Соғлом оила — мустахкам оила» лойиҳаси доирасидаги навбатдаги йиғилиши Жомбой туманида бўлиб ўтди. Унда партиянинг аёллар саломатлигини таъминлаш борасидаги фаолиятдан тортиб, мактаб ва маҳалла ҳамкорлиги масалаларига атрафлича муҳокама қилинди.

ҲОРАЗМ. Гурлан туманида «Тадбиркорлик тамойиллари ва ишбилармонлик имкониятлари» минтақавий лойиҳаси доирасида «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги қонуннинг мазмун-моҳиятини кенг тарғиб этишга қаратилган учрашув бўлиб ўтди. Унда қонуннинг оилавий корхоналарни ривожлантиришни рағбатлантириш, улар фаолияти учун қулай шарт-шароит яратишга йўналтирилган муҳим ҳужжат эканлиги алоҳида таъкидланди.

БУХОРО. «Аёллар қаноти» бўлимининг Шофирқонда бўлиб ўтган «Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашда маҳалла институтининг роли ҳамда аҳамияти» мавзусидаги тадбирда маҳаллаларда оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, маҳаллий ишлаб чиқариш тармоқларини кенгайтириш, бохжона тўловлари соҳасида имтиёзлар бериш каби масалалар юзасидан ўзаро фикр алмашилди.

Маслакдошлар сони 70 нафарга етади

БУХОРОЛИК ДЕХҚОНЛАР ЭРИШАЁТГАН НАТИЖАЛАРДА О'ZLIDEP АЪЗОЛАРИ ҲИССАСИ ОРТМОҚДА

Асқор ИСТАМОВ, «XXI ASR»

Айни кунда вилоятнинг Шофирқон, Ромитан, Пешку, Вобкент ва Бухоро туманлари ҳамда Бухоро шаҳри атрофидаги майдонларда иш қизғин. Мавжуд 1689 та фермер хўжаликларида етиштирилган галла ҳосили пешмапеш йиғиштириб олинмоқда. «Бухоро дон маҳсулотлари» очик акциядорлик жамиятига қарашли 9 та қабул қилиш масканида эрта-ю кеч ҳаёт қайнади. Мавжуд элеваторлар тиним билмай ишлаб турибди. Мавсум олдидан бир қатор қабул масканлари, жумладан, Вобкент ва Ромитан туманларидаги уруғлик цехлари замонавий асосда қайта жиҳозланганлиги етиштирилган галла ҳосилини тез ва қисқа муддатларда қабул қилиш имконини бермоқда. Хусусан, 1 млрд. 620 млн. сўм маблағ эвазига Германиянинг «Теткус» компаниясидан юқори қувватли ускуналар харид қилинганлиги бу борада муҳим аҳамият касб этаётти. Уруғлик дон шу ернинг ўзида қайта ишланиб, истеъмолчиларга юқори сифатли маҳсулот етказиб берилаяпти. Жамоада қатъий меҳнат интизоми қарор тоғган бўлиб, ҳар бир ходим ўз бурчида масъулият билан ёндашмоқда.

Айни шу каби муваффақиятларни корхонада меҳнат қилаётган О'zLiDeP фаолларининг куч-ғайратисиз тасаввур этиб бўлмайди, албатта. Зеро, улар барча соҳада ўрнак, намунадир. Корхона қошидаги БПТга бош муҳандис Лазизбек Рамазанов етакчилик қилади. Фаоллар — техника хавфсизлиги муҳандиси Фазлиддин Ашуров, смена устаси Файрат Тураев, корхона раҳбари Дилмурод Тураев, Асқар Шарипов ва бошқаларнинг мақсадмуддаоси битта: у ҳам бўлса, ғоявий-сийёсий ишларни кучайтиришга яқиндан қўмаклашиш, жамоа аъзоларини янги марраларга руҳлантиришдан иборат.

Бугунги кунда БПТ ўз атрофида 30 нафар фаол аъзони жипслаштирган бўлиб, уларнинг ҳар бири зиммасидаги масъулиятни чуқур ҳис этади. Шу боис белгиланган партиявий топшириқлар ўз муддатида, бекаму-қўст удраланмоқда. Ўтган қисқа давр мобайнида маслакдошлар сони 20 нафарга ошганлиги ҳам эътиборга молиқдир. Бу, шубҳасиз, корхонада партиявий-таш-

килий ишлар изчил ва намунали йўлга қўйилганидан далolat беради. Таъкидлаш жоизки, Президентимиз Концепциясида илгари сурилган ғоя ва қарашларни аҳолининг турли қатлам-

ларда ўтказиб келинаётган Наврўз, Мустақиллик байрамлари ва бошқа миллий тадбирлар давомида халқимизнинг азалий қадрият ва аъналарини намоеён бўлмоқда. Шу атрофда истиқомат қила-

«Партия давлатнинг қишлоқ хўжалиги соҳасида амалга ошириладиган ислохотларини, фермер ва дехқон хўжалиklarининг ривожлантирилиши қўллаб-қувватлайди ва бу ислохотларни амалга оширишда фаол иштирок этади».

О'zLiDeP дастуридан.

лари, жумладан, ёшлар онгига чуқур сингдириш айни кундаги долзарб вазифалардан биридир. Шу мақсадда жойларда тарғибот-ташвиқот ишлари кучайтирилмоқда. Энг муҳими, партия фаоллари ўтказиладиган ҳар бир тадбирга масъулият билан ёндашиб, унинг таъсирчанлигини оширишга ҳаракат қилишяпти. О'zLiDeP аъзоси Хосият Ражаббеова ана шундай жонқуярлардан бири саналади. У ўз зиммасидаги партиявий топшириқни бекаму қўст удралаб келмоқда. Шунингдек, БПТ йиғилишларида фаол қатнашиб, партиявий-сийёсий ишларни яхшилаш юзасидан муҳим тақлиф-мулоҳазаларни ўртага ташлайди, сафдошларини фаолликка чорлайди.

Кейинги йилларда очик акциядорлик жамияти ва маҳаллаларда касаначилик кенг йўлга қўйилганлиги ҳам эътиборга молиқдир. Масалан, «Беҳиштиён» маҳалласида сартарошлик, этикдўзлик сингари маиший хизмат шохобчалари, ошхона ва новвойхоналар фойдаланишга топширилди. Маҳалла-

диган аҳоли вакиллари яқинда «Ширбудун» тўйхонасида жамулжам бўлишди. О'zLiDeP фаоллари, «Меҳр нури» жамғармаси, Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш жамоат фондиди, республика «Аёллар кенгаши» жамоатчилиги бирлаштирилган давлат вилоят ҳокимлиги вакиллари «Мустахкам оила йили» муносабати билан ўтказилган «1000 та никоҳ ва 1000 та суннат тўйи» акциялари доирасидаги ўзига хос тантанادا иштирок этиб, тўпланганларни самимий қутладилар. Бахтли келин-куёвлар орасида «Беҳиштиён» маҳалласида яшовчи янги оила қурган Анзор ва Шахзода ҳам бор эди...

Хуллас, корхона қошидаги БПТ атрофида жипслашган маслакдошларнинг интилиш ва изланишлари қутилган натижаларни бермоқда. Йил охиригача улар сонини жонқуяр, эътиқодли аъзолар ҳисобидан камида 70 нафарга етказиш кўзда тутилмоқда. Бу эзгу ниятнинг амалга оширишга шубҳа йўқ. Зотан, партиявий-сийёсий ишда қатъий ва изчиллик муваффақиятлар гаровидир.

Партияга аъзолик — бу юксак масъулият

ЮРТБОШИМИЗ ИСЛОМ КАРИМОВ ЯКИНДА СУРХОНДАРЁДА БЎЛГАНЛАРИДА ВИЛОЯТ ДЕХҚОНЛАРИ БИЛАН УЧРАШИБ, ФЕРМЕРЛИК ҲАРАКАТИ УЛКАН СИЁСИЙ КУЧГА АЙЛАНИШИГА ИШОНАМАН, ДЕГАН ФИКРНИ БИЛДИРДИЛАР

Дарҳақиқат, жамиятимизда бунинг учун барча қонуний асослар етарлидир. Зеро, айни пайтда аксарият фермерлар давр руҳини тўла ҳис этиб, маҳаллий кенгашлар, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенат аъзолари сифатида қизғин ижтимоий-сийёсий фаолият олиб бормоқдалар.

Хоразм вилояти, Қўшқўпир туманидаги «Хамроҳ» фермер хўжалиги раиси, О'zLiDeP аъзоси, «Меҳнат шўхрати» ордени соҳиби Бектурди Ортиқов ҳам ана шундай фаол инсонлардан. 2009 йилда бўлиб ўтган халқ депутатлари туман кенгашига сайловларда у 24-Кўктом сайлов округидан депутат этиб сайланган эди. Б.Ортиқов айни пайтда кенгашнинг аграр, сув хўжалиги ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари бўйича доимий комиссияси аъзоси ҳамдир.

— Биринчилар қаторида ушбу партияга аъзо бўлганимдан фахрланаман, — дейди фермер. — «Сийёсий партиялар тўғрисида»ги қонунда таъкидланганидек, сийёсий партия муштарак мақсад ва қарашларга эга бўлган фуқароларнинг ихтиёрий уюшмасидир. Хўжалигимизнинг қўллаб аъзолари ҳам кўнгли амрига бўйсуниб, О'zLiDeP сафига киришди. Қарабсизки, сафаримиз кенгайди. Шу тариқа бошланғич партия ташкилотига асос солинди.

Кўп нарсга раҳбарга боғлиқ, ал-

батта. Шу маънода Б.Ортиқовнинг ташкилотчилиги ва илганувчанлиги дехқончилик маданиятини оширишда қўл келмоқда. Хусусан, партиявий-сийёсий ишларга катта масъулият билан ёндашилмоқда. 2007 йилда тузилган БПТ сафларидан бугун 28 нафар маслакдош фаолият олиб бораёпти. Келажакда ишонч, партия ғояларига садоқат уларни олға руҳлантириб, бунёдкорлик соҳасидаги меҳнатларига унум бағишлайтир.

Таъкидлаш жоиз: 1999 йилда ташкил этилган «Хамроҳ» фермер хўжалиги бугун ўз қаддини тиклаб олган бўлиб, унинг аъзолари 128,6 гектар ерда дехқончилик қилмоқдалар. 50 нафар киши доимий иш билан банд. Ёзги-кузги мавсумда яна 25-30 нафар ёлланма ишчи қабул қилинади. Хўжалик ўз моддий-техника базасига эга. Чоқиқ ва транспорт тракторлари, замонавий комбайн, культиватор ва чигит экиш сеялқалари жамоа аъзоларининг мушкулани осон қилиб, муҳим агротехник тадбирларни ўз вақтида ва сифатли ўтказиш имконини бераётти. Минерал ва маҳаллий ўғитлардан самарали фойдаланиш тўғрисида ер унумдорлиги йилдан-йилга ошиб бормоқда.

Ўтган йили 60 гектар майдондаги галлазордан 150 тонна ўрнига 152 тонна дон, 47 гектар ердан 130 тонна ўрнига 158 тонна пахта

йиғиштириб олинганлиги ҳам фикримизга далил бўлиши мумкин.

Шу ўринда фермер хўжалиги фақат хом ашё етиштириш билан чекланиб қолмаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Фермер айни пайтда тайёр маҳсулотни қайта ишлаш, замонавий технологияларни кенг қўллаш бўйича ҳам жиддий изланишлар олиб бормоқда. Жумладан, мавжуд ун ва шולי тегиримонлари орқали аҳолига намунали хизмат кўрсатилаяпти. Соф фойда йилдан-йилга ўсиб бораётти. Шу ҳисобдан кам таъминланган оилаларга ҳомийлик ёрдами кўрсатилмоқда.

Хўжалик эришаётган ютуқларда БПТ фаолларининг салмоқли ҳиссаси борлигини алоҳида таъкидлаш жоиз. Ғоявий-сийёсий фаоллик уларни ҳамisha олға руҳлантираётти. БПТда юқори партия ташкилотларининг кўрсатмаларига алоҳида масъулият билан ёндашилмоқда. Партия аъзоларининг сийёсий дунёқарашини кенгайтириш мақсадида йил бошидан бери кўплаб тадбирлар ташкил этилди. Энг муҳими, хўжалик раҳбари ўзининг ибратли ишлари билан сафдошларига ҳамisha ўрнак бўлаяпти. Зеро, у партия аъзоси ва депутат бўлиш имтиёзи эмас, балки катта масъулият эканини тўла ҳис этиб, эл-юрт манфаати йўлида куч-ғайрати, билим ва маҳоратини аямаеттир.



НЕГА «ЧОРКЕСАР-ҚИЗИЛТОШ» МЧЖ РАҲБАРИ С.НИШОНОВ ДАВЛАТ ГЕОЛОГИЯ ҚЎМИТАСИ МУТАХАССИСЛАРИ «ТИЛ» ИГА ТУШУНМАЯТИ?

КЕЛГУСИ СОНЛАРДА УҚИШ

Жараён

Камерал назорат тадбиркорлар учун қулай воситадир

Камерал назорат — бу солиқ тўловчи хузурига бормай, унинг фаолиятига аралашмасдан туриб, солиқ тўловчилар томонидан тақдим этилган солиқ ҳисоботлари ҳамда ташқи манбаалардан олинган маълумотларни ўрганиш ва таҳлил қилиш асосида бюджет ва бюджетдан ташқари мақсадли жамғармаларга қўшимча солиқ ва тўловлар ҳисоблаш, солиқ тўловчилар томонидан йўл қўйилган хато-камчиликларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш имконини берадиган назорат туридир.

Илёс РАҲМАТОВ,
Сурхондарё вилоят ДСБ ахборот хизмати бошлиғи

Эътиборли томони шундаки, ўтказилаётган камерал назорат жараёнида солиқ оид хатоликлар аниқланган тақдирда тадбиркорлик субъекти ҳеч қандай молиявий ёки маъмурий жаримага тортилмайди. Балки талабнома олинган кундан эътиборан ун кун муддат мобайнида солиқ тўловчи хатоликларни тузатиши ва бу ҳақда солиқ инспекциясига маълумот бериши талаб этилади, холос. Солиқ тўловчи ушбу хатоликларни вақтида бартараф этса, солиқ текширувлари

натijasида тегишли солиқ ва мажбурий тўловларнинг қўшимча ҳисобланиши, молиявий ҳамда устама жарималар қўлланилиши олди олинади.

Сурхондарё вилоят давлат солиқ бошқармаси ва унинг куйи тизими ходимлари томонидан ҳам камерал назорат самарадорлигини ошириш борасида бир талай ишлар амалга оширилаётган. Бу солиқ ҳисоботларидаги хато ва камчиликларни ўз вақтида бартараф этишда муҳим восита бўлиб хизмат қилмоқда. Маълумотларга кўра, жорий йилнинг шу даврига қадар вилоятда ўтказилган камерал назоратлари натijasида 1760 та хўжалик юритувчи

субъектларга 16760,1 млн. сўм қўшимча солиқ ва тўловлар ҳисобланган.

Ушбу ҳолатлар юзасидан барча солиқ тўловчиларга камчиликларни бартараф этиш учун солиқ идораларидан тегишли тартибда талабнома берилган. Шундан 252 та корхона 4009,0 млн. сўмга асословчи ҳужжатлар тақдим этган бўлса, 1131 таси 7936,5 млн. сўм солиқ ва тўловлар бўйича қайта ҳисоботлар тақдим этган ва бу маблагнинг асосий қисми ундириб олинган.

Эришилган натижалар камерал назоратнинг солиқ тўловчилар учун реал ёрдамчи эканини кўрсатмоқда. Чунки назоратнинг ушбу турида йўл қўйилган солиқ оид хатоликлар аниқланиб, уни тузатиш чора-тадбирлари ўз вақтида амалга оширилмоқда. Бу солиқ тўловчининг амалдаги тартиб асосида иш юриштишини таъминлаб, солиқ қонунчилигининг бузилишига барҳам берилишига имконият яратади. Бинобарин, тадбиркорлик субъектлари камерал назорат хулосаларига жиддий эътибор беришлари ва билдирилган эътирозлардан тўғри хулоса чиқаришлари талаб этилади.

ФАРҒОНАДА НОЧОР КОРХОНАЛАР «ШАТАК»КА ОЛИНАЯПТИ

Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг Фарғона вилоят худудий бошқармаси томонидан Марказий банк билан ҳамкорликда паст рентабелли ва иқтисодий ночор корхоналарни тижорат банклари кредити эвазига соғломлаштириш бўйича дастур ишлаб чиқилди. Бунинг учун маҳаллий ҳокимликлар билан биргаликда жойларда тўла қувват билан ишламаётган, банк кредити берилган тақдирда янги иш ўринларини яратиш имкониятига эга корхоналар чуқур таҳлил қилинди. Энг муҳими, 2012 йилнинг охиригача ана шу дастурга киритилган 30 та корхонада молия муассасаларининг жами 12,1 млрд. сўм микдоридagi кредити, шунингдек, таъсисчилар ҳисобидан ажратилган 3,2 млрд. сўмлик маблағ эвазига 235 та янги иш ўрни яратиш кўзда тутилган. Бундан ташқари, ана шу саъй-ҳаракатлар натijasида вилоятда 11,5 млрд. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиши ва хизмат кўрсатилиши режалаштирилган.




«АГРОБАНК» ОАТБ жамоаси

истиқлол
солномасини
битаётган фидойи
журналистлар,
ноширлар
ва матбаачиларни

27 июнь — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куну муносабати билан муборақбоғ этади.

Машаққатли ва шарафли ишингизда сизларга омад ҳамиша ёр бўлсин!



ЁРКАТАЙЛИКЛАРНИНГ 722 МИЛЛИОНИ

Бундан бир неча йил аввал Уйчи тумани, Ёркатай қишлоғида фаолият кўрсата бошлаган «Мегатекстиль» хорижий корхонаси айни пайтда тўла қувват билан ишламоқда. Қувонарли томони шундаки, бу ерда меҳнат қилаётганларнинг 225 нафарини қишлоқ ёшлари ташкил этади. Улар томонидан тайёрланаётган маҳсулотлар нафақат ички бозорда, балки ташқи бозорда ҳам ўз харидорини топмоқда. Жумладан, жорий йилнинг биринчи чорағида ўтган йилга нисбатан 15 фоиз кўп, яъни 722,3 миллион сўмлик калава ип ишлаб чиқарган корхона ана шу давр мобайнида 96,9 минг АҚШ доллари қийматдаги маҳсулотни хорижга экспорт қилишга эришди. Наманган вилоятда саноат корхоналарини модернизациялаш ҳисобига уларнинг ташқи бозордаги иштироки ҳам мутасадис кенгайиб бораётганини айтиб ўтиш жоиз. Хусусан, вилоят ҳокимлиги ахборот хизматида хабар қилинишича, 2012 йилнинг биринчи чорағида Наманган вилояти корхоналари томонидан 19,3 миллион АҚШ доллари микдоридagi маҳсулот ташқи бозорга чиқарилган.

KAPITALBANK

ОАТБ «Капиталбанк» Самарқанд филиали жамоаси Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларини касб байрами билан самимий табриклайди ҳамда республикамизда ишлаб чиқарилган истеъмол товарлари ва хизматлари учун янги истеъмол кредитлари берилишини маълум қилади.

ИСТЕЪМОЛ КРЕДИТЛАРИ ЭНГ КАМ ИШ ҲАҚИНИНГ 500 БАРАВАРИ МИКДОРИГАЧА, 1 ЙИЛДАН 3 ЙИЛГАЧА БЎЛГАН МУДДАТГА БЕРИЛАДИ.

Истеъмол кредитлари муддатлилик, фоиз тўлови, таъминланганлик, олдиндан тўлов ёки комиссия тўлови шартлари асосида берилади. Ҳар бир миқоз ўзинга қулай шароитни танлаб олиш имконига эга. Истеъмол кредитининг шартларидан қатъий назар банк ходимлари томонидан миқозга тез ва сифатли хизмат кўрсатилади.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 27 февралдаги қарорига асосан «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастури ижросини таъминлаш мақсадида ОАТБ «Капиталбанк»да «Ёш оила-2», аёлларнинг уй меҳнатини енгиллаштириш мақсадида маиший ва электр жиҳозларини харид қилиш учун «Аёллар-2» имтиёзли истеъмол кредитлари жорий этилган.

ОАТБ «КАПИТАЛБАНК» ТОМОНИДАН ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРГА БЕРИЛАДИГАН КРЕДИТ ТУРЛАРИ:

Номи	Кредит мақсади	Кредитнинг юқори суммаси	Кредитнинг муددати	Таъминот
Авиабилет 30/12	МАК «Ўзбекистон ҳаво йўллари» авиа билетларини сотиб олиш учун	5.000.000.00	12 ойгача	1) кредит суммасидан жисмоний шахс кафилиги; 2) кредит суммасидан 20% олдидан тўлов
Истеъмол кредит-2	Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилган истеъмол товарлари ва хизматлари	Иш ҳақининг 200 минималитгача	36 ойгача	гаровга автотранспорт ёки кўчмас мулк; кредит суммасидан 40% олдидан тўлов
Истеъмол кредит — Универсальный 22/12	Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилган истеъмол товарлари ва хизматлари	Иш ҳақининг 500 минималитгача	12 ойгача	1) гаровга автотранспорт ёки кўчмас мулк; 2) 100% депозит чет эл валютасида кредит суммасидан
Истеъмол кредит — Универсальный 23/24	Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилган истеъмол товарлари ва хизматлари	Иш ҳақининг 500 минималитгача	24 ойгача	1) гаровга автотранспорт ёки кўчмас мулк; 2) кредит суммасидан 100% депозит, чет эл валютасида
Истеъмол кредит — Универсальный 24/36	Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилган истеъмол товарлари ва хизматлари	Иш ҳақининг 500 минималитгача	36 ойгача	1) гаровга автотранспорт ёки кўчмас мулк; 2) кредит суммасидан 100% депозит чет эл валютасида
Истеъмол кредит — Универсальный 10	Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилган истеъмол товарлари ва хизматлари	Иш ҳақининг 500 минималитгача	12 ойгача 24 ойгача 36 ойгача	гаровга автотранспорт ёки кўчмас мулк; кредит суммасидан 10% олдидан тўлов
Истеъмол кредит — Универсальный 20	Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилган истеъмол товарлари ва хизматлари	Иш ҳақининг 500 минималитгача	12 ойгача 24 ойгача 36 ойгача	гаровга автотранспорт ёки кўчмас мулк; кредит суммасидан 20% олдидан тўлов
Истеъмол кредит — Универсальный 25	Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилган истеъмол товарлари ва хизматлари	2.500.000 сўмгача	24 ойгача	1) 125% кредит суммасидан жисмоний шахс кафилиги; 2) кредит суммасидан; 20% олдидан тўлов ёки 3) кредит суммасидан 100% депозит чет эл валютасида
Истеъмол кредит — МОТОТРАН СПОРТ 24	Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилган мототранспорт воситаси	1 мототранспорт нархидан 70% гача	24 ойгача	Гаров кредитга олинган мототранспорт воситаси
Истеъмол кредит — МОТОТРАН СПОРТ 36	Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилган мототранспорт воситаси	1 мототранспорт нархидан 50% гача	36 ойгача	Гаров кредитга олинган мототранспорт воситаси
Истеъмол кредит — ТРИО 21/12	Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилган истеъмол товарлари ва хизматлари 3 кишилик гуруҳ иштирокчилари билан иборат бўлиши керак	3.000.000 сўмгача 1 та кредит олувчига, жами 9.000.000 сўмгача 3 та кредит олувчига	12 ойгача	100% кредит суммасидан жисмоний шахс кафилиги; (гуруҳ иштирокчиларидан)
Кредит карта — GOLD 21/12	Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилган зарғарлик буюмлари, тўлов кредит карталар ордан амалга оширилади	Иш ҳақининг 500 минималитгача	12 ойгача	1) гаровга автотранспорт ёки кўчмас мулк 125%; 2) кредит суммасидан 100% депозит чет эл валютасида
Ипотека 20/5	Уй-жой ёки кўп қаватли квартира, иккала томон бозордан сотиб олиш учун	Иш ҳақининг 1.000 минималитгача	60 ойгача	Гаровга кредитга олинган уй-жой ёки кўп қаватли квартира; 2) 25% кредит депозит суммасидан
Ёш оила	Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилган истеъмол товарлари ва хизматлари	3.000.000 сўмгача	36 ойгача	Жисмоний шахс кафилиги
Аёллар	Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилган истеъмол товарлари ва хизматлари	3.000.000 сўмгача	36 ойгача	Жисмоний шахс кафилиги

Мурожаат учун, телефон: 8 (366)-234-55-99.

Хизматлар лицензияланган

Мы увеличим Ваши сбережения

КСБ предлагает Вам выгодно разместить свободные средства в банковские депозиты и получить процентное вознаграждение



Credit Standard Bank

Депозиты

140 12 00 | www.csb.uz
140 50 05 | info@csb.uz

Услуга лицензирована

Хизматлар кўлами кенгаймоқда

КАПИТАЛБАНК

ҲОЗИРГИ КУНДА БАНКЛАРАРО ШАКЛЛАНГАН СОҒЛОМ РАҚОБАТ МУҲИТИ МАМЛАКАТИМИЗДА ИННОВАЦИОН ЖАРАЁНЛАРНИ ФАОЛЛАШТИРИШ, МИЖОЗЛАРГА КЎРСАТИЛАЁТГАН ХИЗМАТЛАР СИФАТИ ВА МАДАНИЯТИНИ ОШИРИШДА МУҲИМ АҲАМИЯТ КАСБ ЭТАЁТИР



Ақбар МУЗАФФАРОВ, XXI ASR

Зеро, бозор шароитида молия муассасалари алоҳида ўрин тутди. Ўн бир йил муқаддам ўз фаолиятини бошлаган очиқ акциядорлик-тижорат «Капиталбанк» ҳам ўз имкониятларидан келиб чиқиб, замонавий хизматлар кўламини кенгайтиришга интиляпти. Бунга ўз-ўзидан эришилаётгани йўқ, албатта.

Айни пайтда жойларда мазкур молия муассасасининг 13 та филиали ҳамда 67 та мини-банки бўлиб, улар энг сўнгги

русумдаги ахборот технологиялари билан жиҳозланган. Миҳозлар таклиф этилаётган хизмат турларидан шу ернинг ўзида эмин-эркин фойдаланиш имкониятига эгадирлар. Талаб ва эҳтиёжлар ҳисобга олиниб, фаолият доираси тобора кенгайтирилмоқда. Бунинг исботини республикамизнинг энг чека худудларида ҳам кўриш мумкин. Банк томонидан чакана хизматлар соҳасидаги ёки коператив миҳозларни молиявий қўллаб-қувватлаш бўладими, барча турдаги кредит операциялари ўз вақтида амалга оширилмоқда.

Жойларда иқтисодий

ислохотларни жадаллаштириш, табиийки, молия институтлари инвестицион фаолиятини кенгайтириш ва уларнинг ресурс базасини мустаҳкамлаш билан чамбарчас боғлиқдир. «Капиталбанк»нинг аҳил жамоаси буни дилдан хис этиб, янги ва замонавий хизматларнинг барча турларидан фойдаланишга, миҳозлар ишончини тўла қозонишга интилмоқда. Биргина жорий йилнинг январь ҳолатига банкнинг инвестицион ресурс базаси 42,2 млрд. сўмни ташкил этганлиги ҳам меҳнат ва изланишлар салмоғидан дарак бериб турибди. Энг асосийси, «Капиталбанк» сармоялари эвази-

га ишлаб чиқариш корхоналарида янги хил маҳсулотлар тайёрланиб, бозор пештахталарига пешма-пеш етказиб берилмоқда. Зеро, халқимиз дастурхони тўкин ва ҳаёти янада фаровон бўлиши учун бу жуда муҳимдир.

Таъкидлаш жоизки, молиявий барқарорлик ҳар бир банк учун асосий талаблардан саналади. Бу кўп жиҳатдан малакали мутахассисларга ҳам боғлиқ. Чунки энг масъулиятли банк операцияларини улар амалга оширишади. «Капиталбанк»да ҳам миҳозлар билан яқин ҳамкорлик йўлга қўйилган. Хусусан, уларга бизнес-режа тузиш, турли молиявий қарорларни қабул қилишда зарур ёрдам кўрсатилиб, тегишли маслаҳатлар берилмоқда. Бу эса жойларда банк муассасасига бўлган ишонч ва эътиборни янада ошираётди.

Қисқаси, мамлакатимизда пул-кредит муносабатлари такомиллаштирилаётганлиги ўзининг купилган самараларини бермоқда. «Капиталбанк» жамоаси ҳам жорий йилда катта режаларни кўзлаган. Миҳозлар сафини кенгайтириш, уларга замон талаблари даражасида хизмат кўрсатиш, аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш учун барча имкониятлар ишга солинади. Ўзаро ишонч ва манфаатли ҳамкорлик эса янгидан-янги ютуқларга йўл очиши шакл-шубҳасиздир.

Рейнава ўрнида




«АСАКА»

давлат акциядорлик-тижорат банки жамоаси

27 июнь —
Матбуот ва оммавий
ахборот воситалари
ходимлари куни
муносабати билан
барча журналистларни
самимий табриклайди.

Сизларга мустаҳкам соғлиқ,
ижодий баркамоллик тилаймиз.
Юртимиз тараққиёти йўлидаги
серқирра фаолиятингизда
омад ҳамisha ёр бўлсин!



ХАЛҚ БАНКИ

ДАВЛАТ-ТИЖОРАТ ХАЛҚ БАНКИ ЖАМОАСИ

бугунги кунда тобора кўли ва таъсирчан кўлга эга бўлиб бораётган, ўзини ахборот соҳасини ривожлантиришдек олижаноб ишга бағишлаган журналистлар, нашриёт ва матбаа соҳаси вакиллари

27 ИЮНЬ — МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИ КУНИ

билан самимий қўплайди.

Сирдошинииз — қаламнинг снёҳи фақат эзуликка хизмат қилсин!

